

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ТУРКШУНОСЛИК ИЗЛАНИШЛАРИ

ИККИНЧИ ТўПЛАМ

Тошкент – 2009

Ушбу тўпламга туркшуносликнинг бугунда эътиборда турган манбашунослик, адабиётшунослик ва тилшунослик йўналишларидаги илмий мақолалар жамланди. Китоб туркшунослар, классик филология мутахассислари ва шу соҳада билим олаётган талабалар учун мўлжалланган.

Тошкент Давлат Шарқшунослик институтининг Илмий кенгаши нашрга тавсия этган.

Мухаррирлик кенгаши:

Абдурахим МАННОНОВ, филология фанлари доктори, профессор,

Қосимжон СОДИҚОВ, филология фанлари доктори, профессор,

Хазифа ИСЛОМЖОНОВА, филология фанлари доктори,

Мирсодиқ ИСҲОҚОВ, тарих фанлари доктори,

Қудратулла ОМОНОВ, филология фанлари номзоди, доцент.

Тақризчилар:

филология фанлари доктори **Қ. Махмудов**

филология фанлари доктори, профессор **Х. Дадабоев**

© Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, 2009 йил.

СЎЗ БОШИ

Туркшунослик масалаларига бағишланган илк тўпамимиз чикқанига ҳам бир йил бўлиб қолди. Уни ўқиб чикқан олимлардан тўпам ва ундаги мақолалар тўғрисида илик сўзлар эшитдик. Кейинги илмий изланишларни бир ерга жамлаб, чоп эттираётганимиз кўлингиздаги иккинчи тўпам яратилди.

Тўпамга туркий ёзма ёдгорликларнинг тил ва услуби, адабий манбашунослик ва матншунослик, адабиёт тарихи, ҳозирги туркий тиллар, уларнинг ўзига яраша белгиларига бағишланган илмий мақолалар киритилмоқда. Шунингдек, йирик илмий марказларнинг йўлини тутган ҳолда, ёзма ёдгорликларнинг илмий матнларини ҳам тўпамда бериб боришни маъқул топдик. Илмий мақолалар мазмун ва йўналишига қараб “Эски ёзма манбалар устидаги изланишлар”, “Янги туркий тиллар устидаги изланишлар”, “Довруғли туркшунослар” бўлимларига ажратилди. Ёзма ёдгорликларнинг илмий матнлари эса “Мангу битиглар” рукни остида берилмоқда.

Муҳаррирлик кенгаши.

**Э С К И Ё З М А М А Н Б А Л А Р У С Т И Д А Г И
И З Л А Н И Ш Л А Р**

**ТЕМУРИЙ ХОНЛАРНИНГ УЙЎУР ЁЗУВИДА
БИТИЛГАН ЁРЛИҚЛАРИ: МАТН ТУЗИЛИШИ ВА
УСЛУБИ**

ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

Э ʔ т и б о р қ а р а т и л а ё т г а н м а с а л а л а р :

Темурий хонларнинг юртга эгалиги чоғида уйғур хатида ёздирган ёрлик ва мактублари.

Шоҳруҳ Мирзонинг Талхан ота мазорининг мужовури Исмоилга берган нишони.

Султон Умаршайхнинг Марғилон уламоларидан бўлмиш Мир Сайид Аҳмадга берган нишони.

Султон Абу Саид кўраганнинг турк султони Ҳасан бегга йўллаган битиги.

Ёрликларнинг тузилиши ва услуби.

Матнларнинг тарихий-филологик очикламаси.

Темурийлар даври маданияти, ижтимоий-сиёсий ҳаётида, туркий адабиёт ва адабий тилининг такомилли, адабий тил ёзма меъёрларининг, ёзма услубларининг муайян қолипга тушуви ва туркий матнчиликнинг ривожиди, айниқса, уйғур ёзувининг улуши катта бўлди. Қадимги турк ёзув анъанасини сақлаб, турк ислом дунёсида уйғур хатини сўнг бор қўллаган ҳам темурийлар эди. Темурбег ўз давлатининг расмий ишларида, ички ҳамда халқаро дипломатик муносабатларда, бадий адабиёт соҳасида, билим кишилари орасида уйғур хатининг кенг амал қилишига ҳайрихоҳлик қилди ва бунинг ижросига катта эътибор қаратди. Темурийлар даврида уйғур хати туркий ёзма тил (“чиғатой туркийси”)нинг етакчи, бутун бир салтанатнинг иш юритувчи расмий ёзувиги айланди.

Темурийлар ўз ёрликларини, расмий ҳужжатларини уйғур хатида ёзганлар. Темурбег ўз ёрликларини, қўшни элларнинг эгаларига йўллаган мактубларини уйғур хатида ва туркий тилда ёздирган, темурийларнинг шажаралари ҳам айна ёзувда. Темурбегнинг ўлиmidан сўнг Шохруҳ ва Мирзо Улуғбек, Абу Саид Мирзо ва унинг ўғли Умаршайх Мирзо ҳам ўз девонида, давлат ишларида қадимги туркий алифбони кенг қўллагани маълум. Бу ёзувни Захириддин Муҳаммад Бобур ҳам яхши билган.

Темурий хонларнинг юртга эгалиги чоғида уйғур хатида ёздирган ёрлик ва мактубларидан бир қанчаси сақланган, холос. Қуйида ана шу битиглар тўғрисида сўз юритамиз.

ШОҲРУҲ МИРЗО ЁРЛИҒИ

Шохруҳ Мирзонинг юртга эгалиги чоғида туркий тилда ёздирган ёрликларидан биттагина қолган. Ёрлик туркий-уйғур хатида. У Афғонистондаги Маймана деган жойдан топилганида, яхшики, профессор Э. Бенвенист суратга тушириб қўйган экан. Ўша бўлиб, ҳужжатнинг ўзи кимнинг қўлида қолгани номаълум. Сурати бўйича Ж. Дени унинг транскрипцияси ва таржимасини ҳам берган [1]. Биз ёрликнинг Ж. Дени мақоласида берилган суратига асосланиб, фикр билдирамыз.

Ёрликнинг очиқламаси

Ёрлик бир варақ қоғозда. Қоғознинг ўнг бетига уйғур хати билан ўн уч қаторли матн битилган. Ёзуви текис ва чиройли, лекин майда; кейинги чоғларда, айниқса, ислом даврида оммалашган югурук хат.

Қоғознинг терс ёғида, ярим белидан куйироқда қаторасига муҳр-тамғалар босилган. Муҳр-тамғаларнинг олдида, чап қанотда ёнламасига уйғур хати билан *Niš(ā)nnī Īsmāyil aldī* деб ёзиб қўйилибди. Хат услуги қоғознинг ўнг

бетидаги матн билан бир хил. Афтидан, суюрғал берилмиш киши ҳужжатни девондан қабул қилиб олаётганида ходим, аниқроғи, ёрликни битган котиб ушбу қайдни ёзиб қўйган бўлуви керак.

Матн якунида тарих берилиб, унда ҳужжатнинг ёзилган санаси ва ери қайд этилган. *Tarix sekiz yüz yigirmi beşidä ud yıl muharram ayniñ yigirmi ikisidä Baği šaharda bitildi* (Саккиз юз йигирма бешиди, сигир йил, муҳаррам ойининг йигирма иккисида Боғи шаҳарда битилди). Бу сана мелодий 1422 йилнинг 16 январига тўғри келади. Ж. Дени Боғи шаҳарни Самарқанддаги жой деб айтган. Ҳолбуки, “Бобурнома”да бу ер Ҳирот яқинида эканлиги таърифланган [2].

Ёрликни мақсади ва турига кўра имтиёз берувчи ҳужжатлар гуруҳига киритиш мумкин. Матннинг ўзида у *nišān* деб аталган.

Шоҳруҳ Мирзо нишонининг араб алифбосида эмас, уйғур хатида эканлиги, айниқса, қоғознинг терс бетидаги уйғур хатида битиб қўйилган ёзуви ўта муҳим. Буларнинг бари теурийлар замонида уйғур хатининг мавқеи юқори бўлгани, давлат ишларида унинг кенг ишлатилганига очиқ-ойдин далил бўла олади.

Битигнинг тузилиши

Нишон *Šāhruh bahadur sōzüm devānlarğa* жумласи билан бошланади. Бу ўринда *Šāhruh bahadur sōzüm* – унвон, шунинг учун у алоҳида бир қаторга ёзилган. У учта компонентдан тузилган: хоннинг оти (*Šāhruh*), унвони (*bahadur*) ва фармоннинг унга тегишлилигини англатувчи ёрлик (*sōzüm*). Унвонга қўшилаётган *devānlarğa* сўзи – ёрлик қаратилаётган юридик ташкилот(адресат)ни билдиради. Адресат унвондан ажратиб кейинги қаторга олиб ёзилган. Матнда у жўналиш келишигида.

Битигнинг *асосий қисмини* мазмун ва қамровига кўра

куйидаги тўрт компонентга ажратиш мумкин:

Бундан аввал берилган суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунга кўра, Талхан ота мазорининг мужовурига бир қўшлуқ олтмиш киви ер суюрғал берилиб, луй (аждар) йилдан бошлаб наиким ҳосилини қайтармаслик шарти билан хонақога харж қилиши, ҳеч кимса ундан мол-мулк кистамаслиги, солиқ солмаслиги, зиён-заҳмат етказмаслиги беглик нишониди қайд этилган эди. Матнда ушбу мазмунни ифодаловчи жумланинг кесими ўтган замон (*bermiş erdük*) кўринишида берилган.

Суюрғалнинг ким учун берилаётгани, унинг иш ери ва лавозими (*Ceçäktöbädä Tarnaq ariğida Talxan atanıñ mujāvuri*) ҳам матннинг ана шу ерида, аввалги суюрғалнинг имтиёзларини эслатиш баҳонасида тилга олиб ўтилган. Лекин бу кишининг оти (*İsmāyil mujāvur*) кейинги компонентда – тарихдан олдин, унга берилаётган эркинликни кафолатловчи кўрсатмада тилга олинган.

Янги, яъни кейинги суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунда қайтармаслик шарти билан олтмиш киви ерни суюрғал йўсини бирла келаётган тушумни хонақога харж қила олажаги таъкидланади.

Янги суюрғал имтиёзларини асосга олган ҳолда тушумни хонақога ишлатиш эркинлиги тўғрисидаги кўрсатма. Унга кўра, бурунги нишоннинг йўсини билан сигир йилдан бошлаб қайтармаслик шарти билан олтмиш киви ерни суюрғал йўсини бирла олиб хонақога харж қилиши таъкидланади. Бундан ушбу ёрликнинг бунга қадар берилган суюрғал ҳукуқини тўла таъминловчи, унинг ўрнини боса оладиган ва ҳатто олдингисидан ҳам юқори даражадаги ҳужжат эканлиги аён бўлади.

Ушбу жумлада ёрликнинг кучга кириш санаси (*ud yildin başlap* – сигир йилидан бошлаб) ҳам кўрсатилган.

Суюрғал берилаётган кимсанинг солиқ ва қистовлардан эркин эканлигини кафолатловчи буйруқ. Бунга кўра, суюрғал

берилаётган кимсага даромадларни хонакога эркин-эмин сарфлаши, бунга қўшимча ҳолда унинг уй-жойи, мол-мулкига ҳам ҳеч кимса таҳдид солмаслиги таъминланади. Шохруҳнинг ушбу кўрсатмаси матнда буйруқ шаклида (-*sun*, -*sün* аффикси билан) берилган: *Kim ersä mal tilämäsün, yasağ alpağ salmasun, küč uğa tegürmäsün*. Ёки: *ewi barini tartip tonup almasun*.

Юқоридаги буйруқнинг хон номидан битилаётгани *tep* феъли билан тасдиқланиб, якун қисми – *tarix*(*datum*)га ўтилади.

Тарихни қуйидаги компонентларга ажратишимиз мумкин: тарихга ишора этувчи сўз (*tarix*); хужжатнинг йил-ой-куни (*sekiz yüz yigirmi beşidä ud yıl muharram ayniñ yigirmi ikisidä*); ёзилган ери (*Baği şaharda*); битилганлигининг тасдиғи (*bitildi*). Йил ҳам ҳижрий, ҳам турк-мучалйил саноғида.

Ёрликнинг матни

Қуйида ёрликнинг Ж. Дени мақоласида келтирилган сурати асосида матн транскрипциясини келтирамиз:

1. **Şāhruh bahadur sözüm**
2. **devānlarğa.** Сеçäktöbädä Tarnaq ariği-
3. da Talxan atanıñ mujāvurigä bir
4. qoşluq altmış kivi yer suyuğal berildi. Luy yildin başlap
5. ne kim hāsiline Ut böri xanaqāğa xarj qilsun. Kim ersä
6. mal tilämäsün, yasağ alpağ salmasun, küč uğa tegürmäsün, tep
7. beg niş(ā)n bermiş erdük. Burunği niş(ā)n yosunı bilä ud yildin
8. başlap Ut böri, altmış kivi yerni suyuğal yosunı
9. birlä alıp (?) xanaqāğa xarj qilsun-kim, kim ersä
10. mal tilämäsün, yasağ alpağ salmasun, küč uğa tegürmäsün. Basa
11. İsmāyil mujāvurniñ ewi barini tartip tonup almasun,

12. tep niš(ā)n berildi. Tarix sekiz yüz y(i)g(i)rmi bešidā ud yīl muharram

13. ayniņ y(i)g(i)rmi ikisidā Bağī šaharda bitildi.

Матндаги айрим сўз ва жумлаларнинг талқини

4- қаторда: *Luy yīl* – турк-мучалйил саноғи бўйича – аждар йили. Маҳмуд Кошғарий ўз девонида мучал йилларни келтирар экан, буни *Nek yīli* (тимсоҳ йили) деб беради [3]. *Luy* сўзи хитойчадан ўзлашган, қадимги битигларда уни *lu* деб ёзадилар. Шунга ўхшаш бир-икки ўзлашган сўз туркча мучалйил отларида аралашиб юради.

5- қаторда: *Ut bōri* – бу сўз 8- қаторда ҳам келган. Ж. Дени буни *Ot bōri* кўринишида бериб, жой оти деб изоҳлаган. Уйғур хатидаги матннинг қўлимиздаги фотосурати анча хира бўлгани учун, бу сўздаги иккинчи ҳарфнинг ўқилишини аниқлаш кийин кечди. Ҳозирча буни шундай қолдирамыз.

6- қаторда: *ayasağ alpağ* – солиқ тўлов турларидан бири, унинг *salmasun* сўзи билан бирикаётгани ҳам шундан белги бериб турибди. Матннинг 10- қаторида ҳам бу сўз айна кўринишида қайтарилади.

7- қаторда: *beg nišān* – “беглик нишони, беглик ёрлиғи” маъносини беради.

yosun – “қонун-қоида, йўсин”, матнда *nišān yosunī, suyrǵal yosunī* бирикмаларида келади, “ёрликда белгиланган қонун, йўсин” деган маънони беради.

ud yīl – турк-мучалйил саноғи бўйича – сигир йили. Бундан бошқа ёрликларда бу сўз *uy yīl* кўринишида ҳам келади.

10- қаторда: *ayasağ alpağ* – солиқнинг бир тури бўлиши керак; *salmasun* феъли билан бирикуви ҳам шуни кўрсатиб турибди.

küč uğa tegürmäsün – суюрғал аталмишнинг эркинлигини қафолатлаш мақсадида ёрликларда шундай жумла ҳам қўшиб ишлатилади, “зиён-заҳмат етказмасин” деган маънони беради.

11- қаторда: *ewi barīnī* – “уйи ва бор мулкани” дегани.

tartip tonup almasun – “зўрлик билан тортиб олмасин” деган маънони беради.

Ёрликнинг ҳозирги ўзбекча ўғирмаси

1. Шохрух баходур сўзим

2. **девоңларга!** Чечактўбада, Тарнақ ариғи-

3. да Талхан ота(мозори)нинг мужовурига бир

4. қўшлуқ олтмиш киви ер суюрғал берилди. Луй (аждар) йилдан бошлаб

5. наинким ҳосилини (қайтармаслик шарти билан) Ут бўри хонақога харж қилсин. Кимса

6. (ундан) мол тиламасин, солиқ солмасин, зиён-заҳмат етказмасин, деб

7. бег-нишон бермиш эрдик. Бурунги нишоннинг йўсини билан сигир йилдан

8. бошлаб (қайтармаслик шарти билан) Ут бўри (?), олтмиш киви ерни суюрғал йўсини

9. бирла олиб хонақога ҳарж қилсин-ким, кимса

10. (ундан) мол тиламасин, солиқ солмасин, зиён-заҳмат етказмасин. Яна

11. Исмойил мужовурнинг уй-жойини, мол-мулкини тортиб олмасин,

12. деб нишон берилди. Тарих: саккиз юз йигирма бешида, сигир йили, муҳаррам

13. ойининг йигирма иккисида Боғи шаҳарда битилди.

СУЛТОН УМАРШАЙХ ЁРЛИҒИ

Темурийлар давлати, жамият ва давлат бошқаруви, халқаро дипломатик муносабатлар тарихини ўзида акс эттирган ҳужжатлардан бири Султон Умаршайхнинг 1469 йили Марғилон уламоларидан бўлмиш Мир Сайид Аҳмадга берган ёрлиғидир [4].

Ёрликнинг очиқламаси

Ёрлик варақнинг бир юзига битилган. Хати чиройли ва

тартибли (ўтмишда бундай нафис хатни *uz hat* дейилган). Қоғоз бўйига олти, энига икки букланган. Қайта-қайта букланаверганидан, йиртилишига оз қолган. Ҳатто букланган бўғинларининг айримлари терс ёғидан қоғоз билан елимлаб ҳам қўйилган.

Қоғоздаги матн ўн уч қатор. Бошидаги уч қатори, қолганларига қараганда, ичкарироқдан битилган бўлиб, иккинчи ва учинчи қаторларининг олдида доирабичимли муҳр-тамға босилган. Султон Умаршайхнинг ушбу муҳр-тамғаси матннинг ўзида *muhur*, ёрликнинг ўзи эса *muhurluğ nişān* дейилган.

Қоғознинг терс юзида еттита муҳр-тамғаси бор. Муҳр-тамғалардаги ёзувлар араб хатида. Улардан бошқа яна шу бетга уйғур хати билан икки жумла ёзиб қўйилибди. Жумлаларнинг биринчиси *Halil dad Barīn baxšī bilā*, куйироқдагиси эса *roznāma bitildi* деб ўқилади [5]. Ушбу қайдлар идоранинг ҳужжат қабул қилувчи ходимига тегишли бўлуви керак.

Қоғознинг сиёҳи яхши қуримай туриб букланган кўринади: ҳужжатнинг айрим сатрлари варақнинг турс ёғига ҳам юқиб қолган.

Битида ёзилишига кўра, Мир Сайид Аҳмад Марғилоннинг улуғларидан (*Marğīnan būzrüglāridin*) эди. Султон Умаршайх бундан илгари ҳам унга ҳиммат кўрсатиб, суюрғал берган. Ушбу суюрғалда эса унга кўшимча имтиёзлар берилаётгани таъкидланади.

Ёрлик (*muhurluğ nişān*) туркмучал саноғи бўйича сигир йили шаввал ойининг йигирма саккизинчи куни Андижонда битилган. Бу тўғрида *muhurluğ ni(šā)n uy yil šavval ayiñiñ yigirmi sekizi Andigāndā bitildi* деб қайд этилган.

Ушбу ёрликнинг араб хатида эмас, қадимги туркий ёзувда эканлиги, айниқса, ёрлик битилган қоғознинг терс ёғидаги девонхона ходими томонидан ёзиб қўйилган айрим қайдларнинг уйғур хатида эканлиги ўта аҳамиятли.

Буларнинг бари темурийлар давлатида ушбу ёзувнинг юридик маъқеи катта бўлганидан далолат беради.

Битигнинг тузилиши

Тузилишига кўра битигни кириш, асосий ва якун қисмига ажратиш мумкин.

Кириш ўз ичида қуйидаги компонентларга бўлинади:

Биринчиси – *унвон*; иккинчиси – *адресат* (inscriptio).

Унвон битигнинг ким томонидан битилаётганини далилловчи ёрлиқ бўлиб, матнда *Sultān Umar šayx bahadur sōzūm* шаклида берилган. Ундаги *sultān* – юрт эгасининг даражаси, *bahadur* – унинг унвонидир. Ушбу компонентнинг кесими фармон(sōz)нинг султон Умаршайхга тегишлилигини билдиради.

Адресатда ушбу ҳужжатга давлатнинг қай бир идоралари амал қилмоқликлари қайд этилади. Улар девонлар, тушим йиғувчилар ва солиқ идораларининг бошлиқларидир. Адресат матнда жўналиш келишиги кўринишида берилган: *Divānlarğa, barča Marġinan urċinnij tūšāmāl amaldār, sāhib ċamlariġa*.

Битигнинг *асосий қисмини* мазмун ва қамровига кўра қуйидаги тўрт компонентга ажратиш мумкин:

Бундан аввал берилган суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунга кўра, Мир Сайид Аҳмадга илгари Марġинан қасабасидан бир милк боғ билан икки қўшлик экиннинг хазинага тўланувчи даромади суюрғал қилиб берилган эди. Матнда ушбу мазмунни ифодаловчи жумланинг кесими узок ўтган замон (*berilip erdi*) кўринишидадир.

Суюрғал берилаётган, солиқлардан озод этилаётган кимсанинг даражаси (*Marġinan būzrūglāridin*) ва исми-шарифи (*Mir Sayid Ahmad*) ҳам матннинг ана шу ерида, аввалги суюрғалнинг имтиёзларини эслатиш баҳонасида

тилга олиб ўтилган.

Янги, яъни кейинги суюрғалнинг имтиёз ва шарт-шароитлари. Бунда яна қасабадан ўттиз олтин тавачи тартуси – яъни дон-дун, уй хайвонлари ва савдодан олинадиган даромад суюрғал қилиб берилганлиги таъкидланади.

Ҳар икки суюрғал имтиёзларини асосга олган ҳолда уларни расмий дафтарларга қайд этиш тўғрисида кўрсатма. Унга кўра, аввалги суюрғални кейинги берилган нишони йўсуни билан мусаллам тутиб, ҳар йили янги нишон талаб қилмай, йил бўйи ҳар турли солиқ солмай, дафтарларга қайд этилиши таъкидланмоқда. Бундан ушбу ёрликнинг бунга қадар берилган ҳужжатларни камровчи, юқори даражадаги ҳужжат эканлиги аён бўлади.

Ушбу жумлада ёрликнинг кучга кириш санаси (сигир йили шаввал ойининг йигирма еттиздан бошлаб) ҳам кўрсатилган.

Суюрғал берилаётган кимсанинг солиқлардан эркинлигини кафолатловчи буйруқ. Бунга кўра, суюрғал берилаётган кимсага даромадлардан ўзи фойдаланиш эркинлиги берилади. Ушбуни таъминлаш учун бирор амалдор ундан мол, дон-дун талаб қилмаслиги, унга зўравонлик қилмаслиги таъкидланади. Султоннинг ушбу кўрсатмаси матнда буйруқ шаклида (-*sün* аффикси билан) берилган: *Özi alip yesün. Heç kişi māl, tartu tilämäsün, küç uğa tegürmäsün.*

Юқоридаги буйруқнинг султон номидан битилаётгани *теп* феъли билан тасдиқланиб, яқун қисми – тарих(*datum*)га ўтилади. Тарих *muhurluğ nişān uy yil šavval ayiniñ yigirmi sekizi Andigändä bitildi* кўринишидадир. У қуйидаги уч компонентдан тузилган: ёрликнинг расмий даражаси (*muhurluğ nişān*); унинг битилган санаси – йил-ой-куни (*uy yil šavval ayiniñ yigirmi sekizi*) ҳамда битилган ери (*Andigändä bitildi*).

Матн транскрипцияси

Қуйида П. Мелиоранский келтирган факсимили асосида [6] ёрликнинг транскрипциясини келтирамиз:

(1) Sultān Umar šayx bahadur sōzūm.

(2) Divānlarğa, barča (3) M(a)rğīn(a)n určīnniņ (4) tūšāmāl amaldār, sāhib čamlarīğa!

M(a)rğīn(a)n bŭzrŭglāridin Mir Sayid Ahmadğa (5) M(a)rğīn(a)n qasabasīdin burun bir milk bağī bilā iki qoşluq ekininiņ har ne (6) divānğa čīqar har tŭrlŭg mālīnī suyrğal berilip erdi. Emdi uy yīlida (7) riāyat qīlīp qasabadīn otuz altun tawačī tartusīnī dağī suyrğal (8) berildi. Emdi bu tarixqa berilgānni uy yīl šavval ayīniņ yigirmi yetisidin (9) başlap burunğī suyrğalīnī dağī berilgān nišānī yosunī bilā musallam tutup, (10) yīlğa yaņgī niš(ā)n tilāmāyin bu niš(ā)n bilā yīl sayu heč tŭrlŭg saltīq (11) salmayīn daftarlarğa surusun. Őzi alīp yesŭn. Heč kiši māl, (12) tartu (?) tilāmāsŭn, kŭč uğa tegŭrmāsŭn tep muhurluğ ni(šā)n uy yīl (13) šavval ayīniņ yigirmi sekizi Andigāndā bitildi.

Матндаги айрим сўз ва жумлаларнинг талқини

4- қаторда: *tūšāmāl amaldār* – тушим йиғувчи амалдор, темурийлар замонидаги солиқчи лавозими; *sāhib čamlarī* – солиқ идораларининг бошлиқлари.

4-5- қаторларда: *Margīnan* – Марғилоннинг эскича аталиши; у ўша чоғларда қасаба эди.

5- қаторда: боғлар *milk* ўлчови, экин майдонлари эса *qoşluq* ўлчови билан белгиланган. Матнда Мир Саид Аҳмадга бундан бурун *bir milk bağ* билан *iki qoşluq ekin* дан келадиган даромадлар суюрғал қилиб берилгани таъкидланмоқда.

6, 8, 12- қаторлардаги *uy yīlī~uy yīl* турк мучалйилларининг иккинчиси – “сигир йили”дир. Қадимда *ud yīlī* дейилган, кейинчалик товуш ўзгаришига учраб *uy* га айланган (*ud>ud>uy*).

7- қаторда: *tawačī tartusī* – товачилар томонидан йиғиладиган солиқ (?), дон-дун, уй ҳайвонлари ва савдодан олинадиган даромадни кўзда тутди.

Матнда ушбу ёрлиғ *nišān*, *muhurluğ nišān* деб аталган. *Nišān* – илк англамида “белги”, ҳужжат атамаси сифатида эса “далилловчи ҳужжат; гувоҳнома” маъносини билдиради; *muhurluğ nišān* – “хоннинг муҳр-тамғаси билан тасдиқланган ҳужжат”, баъзан олий даражадаги бундай ҳужжатлар *altun muhurluğ nišān* ҳам дейилган.

9- қаторда: *nišān yosun* – жуфт сўз; *yosun* – “қонун, қоида”, *nišān yosun* – “қонун битилган гувоҳнома, далилловчи ҳужжат” маъносини беради.

12- қаторда: *küč uğa tegürmäsün* – “зўравонлик қилмасин; зиён-заҳмат етказмасин” деган маънони беради. Одатда, эркинлик, имтиёз ҳуқуқини берувчи ҳужжатларда кишининг муҳофазаси ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинган ва унинг эркинлигини кафолатлаш учун “Унга ҳеч кимса зўравонлик қилмасин” (*Heč kiši küč uğa tegürmäsün*) деб ёзиб қўйилган.

13- қаторда: *Andigān* – Андижоннинг эскича аталиши; ушбу тапонимдаги *gān* – “шаҳар, кент” маъносини билдиради. *Andigān* ўша кезларда йирик, марказий шаҳар саналган. Султон Умаршайхнинг ўрдаси шу шаҳарда эди.

Матннинг мазмуни

(1) Султон Умаршайх баҳодур сўзим.

(2) Девонхоналарга, барча (3) Марғинан юртининг (4) тушим йиғувчилари, солиқ идораларининг бошлиқларига!

Марғинан бузургларида Мир Сайид Аҳмадга (5) Марғинан қасабасидан илгари бир милк боғ билан икки кўшлиқ экиннинг ҳар не (6) девонга чиқар ҳар турли молини [яъни хазинага тўланувчи даромадни] суюрғал қилиб берилган эди. Энди сигир йилида (7) (бунга) риоят қилиб, қасабадан ўттиз олтин тавачи тартусини [яъни дон-дун, уй ҳайвонлари ва савдодан олинадиган даромадни?] яна суюрғал (8) қилиб берилди. Энди бу санада берилганни сигир йили шаввал ойининг йигирма еттисидан (9) бошлаб аввалги

суюрғални яна берилган нишони йўсуни билан мусаллам тутиб, (10) ҳар йили янги нишон талаб қилмай, бу нишон билан йил бўйи ҳар турли солиқ (11) солмай, дафтарларга қайд этилсин. (Даромадларидан) ўзи фойдалансин. Ҳеч киши (ундан) мол, (12) дон-дун талаб қилмасин. Унга зиён-заҳмат етказмасин деб, бу муҳрли нишонни сигир йили, (13) шаввал ойининг йигирма саккизида Андиганда битилди.

СУЛТОН АБУ САИД БИТИГИ

Битигнинг очиқламаси

Темурийлар даври хужжатчилиги, ёзма адабий тил расмий услублари тарихини ўрганишда султон Абу Саиднинг турк султони Ҳасан бегга (=Узун Ҳасанга) йўллаган битиги айрича ўрин тутди. Битиг Истанбулдаги Тўпқопи саройи музейида Е 12307 рақами остида сақланмоқда. Эски ўзбек тили(“чиғатой туркийси”)даги 76 қаторли ушбу битиг уйғур хатида ёзилган бўлиб, ўқилиши тағма-тағ араб ҳарфлари билан ёзиб чиқилган [7].

Мактуб сичқон йили (ҳижрий 873 йил) рабиул-аввал ойининг йигирма иккисиде Озарбайжоннинг Миёна шаҳрида битилган (*Sičqan yilī rabi'ul-avval ayinī yigirmi ikisidā Miḡānada erkāndā bitildi*). Бу сана мелодий 1468 йилнинг 10 октябрига тўғри келади.

Битигнинг 3, 13, 19, 28, 38, 47, 49, 51, 61, 63, 71-қаторларида *Teḡri* сўзи сатр ичидан ажратиб олиб, унинг бош қисмига ўтказиб ёзилган. У айна қатордаги *'ināyatī* сўзига боғлиқ бўлиб, ҳар гал унинг билан бирга ўқилади.

Матнда Абу Саиднинг уй ичига тегишли кишиларнинг (ота-боболарининг) отлари ҳам ажратиб берилган. Чунончи, 4, 24, 69- сатрларда *Temür beg*, 6, 7, 11, 12, 13, 15- сатрларда *Beg* сўзи, шунингдек, 27- қаторда *Mirānšāh Mirzā* сўзи, аввалги қатор тўлмаса ҳам, янги қаторга олиб ёзилган. Бу ҳам ўша замон хужжатчилигида русум бўлган ўзига яраша бир

этикетдир. Бошқа ҳужжатларда ҳам бунинг сингари ҳолатлар учраб туради.

71–74- қаторлар устига султон Абу Саиднинг 8,5x8,5 см ўлчамидаги тўрт бурчакли муҳр-тамғаси (нишони) босилган. Муҳр-тамғанинг ёзуви сулзда. Унинг гирдига бисмиллоҳ; калимаи тоиба; тўрт бурчагига тўрт саҳобанинг, остига эса Ҳасан ва Ҳусайн отлари ёзилган. Ўртадаги ёзуви: *As-sultānu-l-ʻazam val-xaqānu-l-akram muğisu-l-haqqi vaddin Sultān Abu Saʻid Kōrāgān haladallahu mulkahu va sultānahu* (Буюк султон ва улуғ ҳокон, ҳақ ва динни ривожлантирувчи Султон Абу Саид кўраган, Аллоҳ унинг мулки ва салтанатини мангу қилсин).

Битигнинг тарихий аҳамияти шундаки, у темурийлар давлатининг зиддиятли даврини акс эттиради. Давлатнинг бурунги – Темурбег замонидаги сиёсий мавқеини тиклаш мақсадида Абу Саид катта юришлар олдида турар, бунинг учун ўз тарафдорлари билан келишиб олмоғи керак эди. Хат ана шу мақсадда йўлланган.

Хатнинг туркий тилда ва уйғур ёзувида эканлиги аҳамиятли. Бу, ўз навбатида, темурийлар давлатида расмий-дипломатик ҳужжатлар туркий тилда, ўша замонда бутун “Чигатой эллари” учун умумий бўлмиш ёзма адабий тилда олиб борилганлиги, уйғур хати эса расмий доираларда, давлат ишларида кенг амал қилганлигини тасдиқлайди.

Битигнинг тузилиши

Султон Абу Саиднинг битиги икки юртнинг эгалари ўртасида ёзилган расмий мактубдир. Уни Абу Саид мавқе жиҳатдан ўзидан қуйи турган юрт эгасига йўллаган. Мактуб ўрта асрларда тузилган расмий-халқаро дипломатик ёрликлардан ажралиб туради. Қолаверса, ушбу хатни бадиий эпистоляр матн ҳам дея олмаймиз. Эпистоляр жанрда, одатда, бадиийлик устивор бўлади. Ушбу хат эса расмий

услубда.

Битигни тузилишига кўра кириш, асосий ва яқун қисмига ажратиш мумкин.

Кириш уч компонентга ажралади. Биринчиси – унвон. Унвон битиг(söz)нинг кимга тегишлилиги (ким томонидан ёздирилаётганлиги)нинг қайди, унинг ким томонидан ёзилаётганлигини далилловчи ёрлиқ (*Sultān Abu Sa'id Körägän sözüm*) кўринишида берилган. Бу Ғарб ҳужжатшунослигида қабул қилинган адресант(intitulatio)га тўғри келади.

Маълумки, ислом даври ёдгорликлари, хусусан, ўша замонларнинг расмий ёзмалари, анъанага кўра, басмала (бисмиллох) билан бошланар эди. Абу Саид битиги эса бундай эмас. Битиг *Sultān Abu Sa'id Körägän sözüm* унвони билан бошланган.

А.П. Григорьев ўрта аср ҳужжатларининг тузилишини тадқиқ этар экан, туркий тилдаги ҳужжатлар басмала билан берилмаганлигининг сабабини битигларнинг ёзувига боғлайди. Унинг фикрича, басмала фақат араб ёзувли ҳужжатлардагина берилган. Уйғур ёзувли ҳужжатлар эса басмала билан бошланмаган [8].

Бизнингча, теурийлар давридан қолган ёрлиқларнинг, хусусан, Абу Саид битигининг басмала билан берилмаганлигига сабаб бу эмас. Бунинг икки сабаби бор. Биринчидан, мазкур битиг туркий ҳужжатчиликнинг энг эски анъаналарига риоя қилган ҳолда тузилган. Иккинчи сабаби, унинг расмий ҳужжат эканлигида. Одатда, бундай унвон бошқа мактубларда учрамайди. Аммо ушбу битиг бир юрт эгасининг бошқа юрт эгасига йўллаётган хатидир. Шунинг учун у ана шундай унвон билан бошланмоқда. Унвонни басмаладан кейин келтириш, иккаласини бир матнда олдинма-кетин қўллаш эса мантиққа терс. Басмала билан бошланган расмий ёзмаларнинг бошламаларини қараб чиққан киши фикримизга қўшилади.

Иккинчи компоненти – адресат (*inscriptio*), қабул қилувчи томон. Ушбу компонентда хат йўлланаётган кишининг оти, унинг кимга юборилаётгани (*Hasan beggä*) қайд этилган.

Киришнинг учинчи компоненти – саломлашиш (*salutatio*). Бу компонентда хат йўлловчининг саломи баён қилинган. Бу компонент матнда пайт эргаш гапли қўшма гапнинг эргаш гапи кўринишидадир (*salām tegäč*).

Билдирилган саломдан кейин *söz ul-kim* жумласи билан мақсадга (асосий қисмга) ўтилади.

Битигнинг мазмунига қараганда, Ҳасанбегнинг бобоси Усмон бегнинг Темурбег ва унинг ўғлонларига, у дунёдан ўтгандан кейин эса Ҳасанбекнинг Темурийларга ихлос билан хизмат қилиб келаётгани, ини-ўғиллик, дўстлик, қариндошлиғини билдирганлиги эътироф этилади. Ҳасан бег билан Абу Саид ораларида аҳд сўзи кечганлиги, улар бир-бирларининг дўстига дўст, душманига душман бўлишлари келишилганди. Энди эса Рум, Миср, Шом элларининг фатҳи мўлжалланаётгани, бунинг учун султон Абу Саид керагича қўшин, қурол-аслаҳа ажратишга тайёр эканлиги билдирилган.

Мухими, асосий қисмнинг охирида битиг йўлловчининг аҳд сўзи баён қилинган. Келишувга кўра, Абу Саид Ҳасан бегга Миср, Рум вилоятларини олиб беришни ваъда қилиб, қиёматга дайин орадаги дўстликни бузмасликка сўз беради (69–74- қаторлар). Мазмуни ва моҳиятига кўра ушбу хат расмий-дипломатик аҳдлашувга (*ahd sözi, bitim* га) тенглашади.

Мактубнинг сўнгги – якуний қисмини тўрт компонентга ажратиш мумкин: Биринчиси – битиг йўлловчининг тилаги (*Seniñ esänligiñni körä*); иккинчиси – битиг бериб юборилган кишининг оти (*Mahmud begni yibärildi*); учинчиси – тарих, бунда битиг битилган сана қайд этилган; тўртинчи компонент – битигнинг қаерда ёзилганлиги (*Miyānada erkändä bitildi*).

Битигнинг ёзилган санаси қатъий изчилликда: аввал турк

мучал хисобида йил, сўнг мусулмон тақвими бўйича ой ва кун келтирилади: *Sičqan yili rabi'ul-avval ayiniñ yigirmi ikisi* (Сичқон йили, рабиул-аввал ойининг йигирма иккинчи куни).

Битигнинг матни

- 1) **Sultān Abu Sa'id Kōrāgān sōzūm.**
- 2) Hasan beggā salām tegāč, sōz ul-kim,
- 3) **Teñri** 'ināyatī bulup Sāhib qirān
- 4) **Temür beg** tamām mamālikni musahhar qilip yürügändä
Uluğ
- 5) atañ 'Usmān beg čin köñli bilä
- 6) **Beg** davlatiğa panāh keltürüp ihlāsini bildürgän üçün
- 7) **Beg** dağī 'ināyatlar qilip barča ulusdın artuqsı körüp
- 8) Diyārbakir vilāyatini bildürüp xāsa oğul uşaqi-
- 9) niñ tinčliqi üçün Hamid teg yerni dağī
- 10) suyrığap yurt bergän durur. 'Usmān beg dağī
- 11) **Begniñ** ul 'ināyat šafqatini unutmayin
- 12) **Begdin** soñra oğlanlariğa čin ihlāsı bilä küč berip, burun
- 13) **Beg** čaqında da qilğan xiđmatlarini hargiz özgä qilmadi.
Teñri 'ināyat
- 14) qilip Sāhib qirān
- 15) **Beg** atamnıñ taxtini
- 16) meñä rozi qildi ersä, sen dağī atañ yurtini
- 17) bilip el-ulusuñni başlağandın beri
- 18) yaxšiliğini čin etiqadını bildürüp
- 19) erdiñ. **Teñri** 'ināyatı bilä erānlār himmatidin bu oçurlarda
burunğı kečkän
- 20) ata-ağalarındın artuqsı, köñül tilāgān-deg, šāyasta xiđmat-
- 21) lar qildiñ. İni-oğulluq, dostluq, qarındašliğini bildürdün.
- 22) Seniñ bu xiđmatlarındın asru rāzi bolduq. Emdi sen dağī
bilürsen-
- 23) kim, ulus egäsi
- 24) **Temür beg** tamām mamālikni zabt qilip üläškändä Tabriz

- 25) taxtini
- 26) meniñ atam
- 27) **Mirānšāh Mirzā**ğa bergān durur. Senjä dađı ma'lum durur-kim,
- 28) ata yurti öz yurt bolur. **Teñri** 'ināyatığa siđiniñ
- 29) bu fursatlarda Ađarbayjān vilāyatlariniñ zabt qılıp,
- 30) atam yurtini burunđı yosun bilä taxt qılayın tep kelä durur-
- 31) men. Hasan 'Aliniñ buzulğan xabarı örtüdin keldi. Bađāyat davlatğa
- 32) munāsib iş bolmuş. Miyānağa yetkändä iniñ Murād
- 33) bilä yaxşı sözläriñ keldi. Seniñ köñlüñdä andağ
- 34) keçmäsün-kim, Tabrizda Jihānšāh turup erdi, meñä bermädilär dep.
- 35) Sen dađı bilürsen-kim, Jihānšāhğa bir vāsita bilän andağ tüşüp erdi.
- 36) Arada bir ahd sözi dađı keçip erdi. Basa
- 37) biz dađı Xurāsān vilāyatlarığa yañla kelip erdük. Bir neçä
- 38) vilāyatlarniñ zabtini qılmaq muhim erdi. **Teñri** 'ināyatı
- 39) bilä erānlär himmatüdin ul vilāyatlar musahhar bolup
- 40) erdi-kim, Jihānšāh seniñ üstünä yürüdi tep eşittük
- 41) ersä, ul ahd arada qalmadı. Sen dađı eşitmiş bolğay-sen-kim,
- 42) 'Ali beg degān joramni bitiglär bitip Jihānšāhğa çapturdum-kim,
- 43) seniñ bilä ahd qılğanda bir-birimizniñ dostığa dost, duşmanığa
- 44) duşman bolalı tep söz keçip erdi. Emdi
- 45) bizniñ Hasan begdin yaxşıraq dostumuz yoğ turur. Yüz yildin
- 46) beri özgä bolmağan ahd seniñ üstünä boldi.
- 47) Men dađı **Teñri** 'ināyatığa siđiniñ seniñ üstünä yürüdüm tep
- 48) bildürä yibärip erdim. Yibärgān elci Tabrizğa yetkändä

49) Jihānšāhnīñ işini bir sarī qılğan ermiş-sen. **Teñri** 'ināyatı bilä

50) Tabrizğa kelgänimdä sen dađı yıraqsınmayın kelip körür yaraqını

51) tapsaň, kelip körgil. **Teñri** 'ināyatıdın 'umidim ul durur-kim, Rum, Misir,

52) Šām başlıq tamām mamālik fathini bāt

53) bizgä rozi qılğay esä, Allah taālā emdi bilä bolğan-

54) dīn soň 'umid ul-kim, barça iş köñül tilägän-deg bolğay.

55) Ul sarıqı vilāyatlarınñ yaraq maslahatları-

56) nī sen yaxşıraq bilürsen. Äğär

57) men özüm barmaqlıq hājat bulmayın oğlanlarımdın basa

58) beglärdin, çerigdin ne mīqdār kerāklık bolsa,

59) yaraq körüp tiläsäň, ul çaqlıq kişi yibäräyin. Bu

60) çaqlıq inilik, qarındaşlıq, xidmatkārliqni sen qıldıñ.

61) **Teñri** 'ināyatı bilä erānlār himmatıdın Misir, Rum, Šām-teg yerläрни

62) alip bermäkni

63) men biläyin. Sendin **Teñri** 'ināyatı bilän 'umidim ul durur-kim,

64) mundin soňra dađı ini-oğulluq xidmat-

65) kārliqni artturğay-sen. Hargiz özgä bolmağay-

66) sen. Ne oğul bolğay-kim, bu kečär dunyāda burunğı yaxşı-

67) ları yüz yıldın beri qılğan dostluq, qarındaşlıq-

68) nī özgä qılğay.

69) **Temür beg** ataň 'Usmān beggä Diyārbakir vilāyatini

70) bergän bolsa, 'umidim ul durur-kim,

71) men seňä Teñri 'ināyatı birlä Misir, Rum vilāyatlarini

72) alip bergäy-

73) men. Kečär dunyāda qiyāmatğa deginč bu yaxşı at arada

74) qalğay. Seniñ esänligiñni körä Mahmud beg-

75) ni yibärdi. Sičqan yılı rabi'ul-avval ayiniñ yigirmi

76) ikisidä Miyānada erkändä bitildi.

Матндаги айрим сўз ва жумлаларнинг талқини

1- қатор: *Sultān Abu Sa'id Kōrāgān sōzūm*. Ушбу унвондаги *sultān* сўзи Абу Саиднинг унвонидир. Одатда, расмий битигларда юрт эгасининг оти тилга олинганда унинг унвонлари қўшиб айтилган. Абу Саид исмидан кейин қўшилаётган унвонни А. Курат *kūrkān* шаклида ўқиган. Бу сўз асли мўғулча *kūregen* – “куёв” сўзидан. У матннинг уйғур ёзувли сатрида <ö> ҳарфи билан ёзилган. Шунинг учун уни *kōrāgān* шаклида ўқилгани маъқул. Унвонда кечган *sōzūm* – “менинг сўзим; менинг битигим” маъносини англатади ва битигнинг султонга қарашлилигини далиллайди. Бошқа расмий ёзмаларнинг унвонида эса бу калима “менинг фармоним; менинг ёрлиғим” маъноларида ҳам қўлланилган.

3- қатор: *Teḡri 'ināyatī bulup* бирикмаси “Тангридан иноят топиб; Тангридан иноят бўлиб; Тангридан иноят етиб” деган маънони англатади (*bulup* – “топиб, етишиб” англамидадир). Матн давомида бу бирикма *Teḡri 'ināyat qilip*, *Teḡri 'ināyatīğa siḡinip*, *Teḡri 'ināyatīdīn*, *Teḡri 'nāyatī birlä* кўринишларида ҳам учрайди.

4- қатор: Амир Темур туркий ҳужжатларда *Temür beg* деб тилга олинган. Бу исмдаги *beg* унинг даражасидир. У “амир”га тўғри келади.

7- қатор: *artuqsī* – “ортик даражада” маъносида.

8- қатор: *oḡul ušaḡī* – “бола-чақаси”; *ušaḡ* – “майда” дегани.

12- қатор: *küč berip* – “хизмат қилиб” маъносида.

19- қатор: *erānlār himmatī* – “мардлар ҳиммати” назарда тутилмоқда.

21- қатор: *ini-oḡulluḡ* – ўрта аср мактубларида бу сўз ўзига тобе кишиларга, юрт эгаси учун эса ўзига тобе юрт эгаси нисбатан ишлатилган.

30- қатор: *yosun* – расмий ҳужжатларда “қонун” маъносида қўлланилган.

42- қатор: А. Курат *jora* сўзини “мулозим” деб изоҳлаган. Бизнингча, бу сўз “мулозим” эмас, “ўртоқ, сафдош” маъноларида. Қиёсланг, ҳозирги ўзбек тилида: *jora* – “ўртоқ, биродор”; *küyaw joralari* – “куёвнинг ўртоқлари, тенгқурлари” дегани. Битигда шундай: *'Ali beg degān joramni bitiglār bitip Jihānšāhğa çapturdum* (Али бег деган жўрамни битиглар битиб, Жихоншоҳга чоптирдим).

48- қатор: *bildürä yibärip erdim* – “билдиргулик (мактуб) юбориб эдим” маъносида.

55- қатор: *Ul sariqi viläyatlarniñ yaraq maslahatlarini* – “ўша ёқлардаги вилоятларнинг қурол-аслаҳаларини; уларнинг ҳарбий кудратини” дейилмоқчи.

69–74- қаторлар: Ушбу сатрларда Абу Саиднинг Ҳасан бегга берган аҳд сўзи қайд этилган.

74–75- қаторлар: *Seniñ esänligiñni körä* – “Сенинг эсонлигингни кўриш учун; Сендан хабар олиб келиш учун” деган маънода.

Битигнинг мазмуни

(1) Султон Абу Саид Кўраган сўзим.

(2) Ҳасан бегга салом дегач, сўз ул-ким, (3) **Тангридан** иноят етиб Соҳибқирон (4) **Темур бег** тамом мамлакатларни мусаххар қилиб [эгаллаб] юганда улуғ (5) отанг [яъни, бобонг] Усмон бег чин кўнгил билан (6) **Бег** давлатига паноҳ келтириб [яъни, бег давлатининг тинчлиги учун курашиб], ўз ихлосини билдиргани учун (7) **Бег** ҳам иноятлар қилиб, (уни) барча улусдан ортиқ даражада кўриб, (8) Диёрбакир вилоятини берди. Барча бола-чақаси(9)нинг тинчлиги учун Ҳамид таг ерни ҳам (10) суюрғал қилиб, юрт қилиб берган эди. Усмон бег ҳам (11) **Бег**нинг ул иноят шафқатини унутмайин (12) **Бегдан** сўнгра (унинг) ўғлонларига чин ихлоси билан хизмат қилиб, бурун (13) **Бег** чоғида-да қилган хизматларини ҳаргиз ўзга қилмади.

Тангри иноят (14) қилиб, Соҳибқирон (15) **Бег** отамнинг тахтини (16) менга насиб қилди эрса, сен ҳам отанг юртини (17) билиб, эл-улусингни бошлагандан бери (18) яхшилиғинг, чин эътиқодингни билдириб (19) эрдинг. **Тангри** инояти билан мардлар ҳимматидан бу чоғларда бурунги кечган (20) ота-оғаларингдан ортиқ, кўнгил тилагандек, шоёста хизмат(21)лар қилдинг. Ини-ўғиллик, дўстлик, қариндошлиғингни билдирдинг.

(22) Сенинг бу хизматларингдан бениҳоя рози бўлдик.

Энди сен яна билурсен-(23)ким, улус эгаси (24) **Темер бег** тамом мамлакатларни забт қилиб, (уларни ўз яқинларига) улашганда Табриз (25) тахтини (26) менинг отам (27) **Мироншоҳ Мирзога** берган эди. Сенга-да маълум турур-ким, (28) ота юрти ўз юртинг бўлур. **Тангри** иноятига сиғиниб (29) бу фурсатларда Азарбайжон вилоятларини забт қилиб, (30) отам юртини бурунги йўсун [яъни, Темурбек замонидаги конун] билан бошқарайин деб келяпман(31). Ҳасан Алининг бузук хабари чаппасидан келди. Давлат учун бағоят (32) муносиб (бир) иш бўлди. Миёнага етганда ининг Мурод (33) билан яхши сўзларинг келди. Сенинг кўнглингда андоқ (34) кечмасин-ким, Табризда Жихоншоҳ турур эрди, менга бермадилар, деб. (35) Сен яна билурсен-ким, Жихоншоҳга бир восита билан андоқ тушиб эрди [яъни, бир сабаб билан берилган эди]. (36) Орада бир аҳд сўзи ҳам кечиб эрди. Сўнг (37) биз ҳам Хуросон вилоятларига қайтиб келиб эрдик. Бир неча (38) вилоятларнинг забтини қилмоқ муҳим эрди. **Тангри** инояти (39) билан, мардлар химматидан ул вилоятлар мусаҳҳар бўлиб (40) эрди-ким, Жихоншоҳ сенинг устингга юриди, деб эшитганимизда (41) ул аҳд орада қолмади. Сен ҳам эшитган бўлсанг керак-ким, (42) Али бег деган жўрамни битиглар битиб Жихоншоҳга чоптирдим-ким, (43) сенинг билан аҳд қилганда бир-биримизнинг дўстига дўст, душманга (44) душман бўлайлик деб, сўз кечиб эрди. Энди (45) бизнинг Ҳасан бегдан яхшироқ дўстимиз йўк турур. Юз йилдан (46) бери ўзга (билан) бўлмаган аҳд сенинг устингда бўлди. (47) Мен ҳам **Тангри** иноятига сиғиниб, сенинг устингга юридим деб (48) билдиргулик юбориб эдим. Юборган элчи Табризга етганда (49) Жихоншоҳнинг ишини бир ёқли қилган эмишсан.

Тангри инояти билан (50) Табризга келганимда сен ҳам йироксинмай, келиб кўришнинг яроғини [яъни, иложини] (51) топсанг, келиб кўргин. **Тангри** иноятидин умидим ул турур-ким, Рум, Миср, (52) Шом бошли бутун мамлакатлар

фатҳини бот (53) бизга насиб қилса, Аллоҳ таоло шунга етиштиргандан (54) сўнг, умидим ул-ким, барча иш кўнгили тилагандек бўлмай. (55) У ёқлардаги вилоятларнинг ҳарбий қудратини (56) сен яхшироқ билурсен. Агар (57) мен ўзим бормоққа ҳожат топмай, ўғлонларимдан, сўнгра (58) беклардан, черигдан не миқдор керакли бўлса, (59) (черигнинг) ҳарбий аҳволини қараб чиқиб, яна тиласанг, ул чокли киши юборайин. Бунга (60) тенг келадиган [яъни, бунга арзирли] инилик, қариндошлик, хизматкорликни сен қилдинг.

(61) **Тангри** инояти билан, мардлар ҳимматидан Миср, Рум, Шомдек ерларни (62) олиб бермакни (63) мен билайин [яъни, мен шуни билай; ўз устимга олай]. Сендан **Тангри** инояти билан умидим ул турур-ким, (64) бундан сўнг ҳам ини-ўғиллик, хизмат(65)корликни орттирғайсен. Ҳаргиз ўзга бўлмағай(66)сен. Бу қандай ўғил-ким, бу кечар дунёда бурунги яхши(67)лари юз йилдан бери қилган дўстлик, қариндошлик(68)ни ўзга қилса?!

(69) **Темур бег** отанг Усмон бегга Диёрбакир вилоятини (70) берган бўлса, умидим ул турур-ким, (71) мен сенга **Тангри** инояти бирла Миср, Рум вилоятларини (72) олиб бергай(73)мен. Кечар дунёда қиёматга қадар бу яхши от орада (74) қолғай.

Сенинг эсонлигингни кўриш учун Маҳмуд бег(75)ни юборилди.

Сичқон йили, Рабиул аввал ойининг йигирма (76) иккисиде Миёнада эканлигимизда битилди.

Битигда кечган киши отлари

Abu Sa'id Kōrāgān 1 – XV асрнинг ўрталарида Туркистон ва Эронда ҳокимият сурган. Темур бегнинг эвараси (шажараси: Абу Саид Султон Мирзо бин Муҳаммад бин Мироншоҳ Мирзо бин Темур бег).

Hasan beg 2, 45 – битиг йўлланаётган киши. Унинг бошқа бир

оти Узун Ҳасан эди. Оқ қўюнли туркманларнинг беги. Бошда Диёрбакир ҳокими, кейинчалик Шарқий Анатўлида катта юртларни забт этиб, улуғ бир давлатнинг ҳукумдорига айланди. У қўшнилари, айниқса, Шарқий ёндаги қўшниси Қора қўюнли беги Жихоншоҳ учун таҳликали ракиб эди. Ҳасан бег замонасининг доврўғи кетган турк бекларидан бўлган.

Sāhib qirān Temür beg (3–4)=*Temür beg* (24, 69)=*Sāhib qirān beg* (14–15)=*Beg* (6, 7, 11, 12, 13) – Амир Темур шундай отлар билан тилга олинган.

Mirānšāh Mirzā 27 – Темур бегнинг ўғли.

Jihānšāh 34, 35, 40, 42, 49 – Қора қўюнли туркманларнинг беги.

'Usmān beg 5, 10, 69 – Матнда бу кишини Ҳасан бегга нисбатан *Uluğ ataḡ 'Usmān beg* деб қайд этилган. Шунга қараганда у Ҳасан бегнинг бобосидир.

Hasan 'Ali 31 – Жихоншоҳнинг ўғли.

'Ali beg 42 – Абу Саиднинг жўраси, унинг сафдоши бўлиши керак. Боиси, ҳозирги ўзбек тилида “жўра” сўзи “ўрток, сафдош” маъноларида қўлланилади.

Murād 32 – Ҳасан бегнинг иниси.

Mahmud beg 74 – Ушбу битигни Ҳасан бегга келтирган киши, Абу Саид давлатининг элчиларидан бири.

Hamid 9 – А. Курат бу сўзни жой оти деб берган. Аслида бу киши отидир.

Битигда учраган жой отлари

Rum 51, 61, 71 – юрт оти.

Misir 51, 61, 71 – юрт оти.

Šām 52, 61 – юрт оти, Сурия.

Xurāsān 37 – юрт оти.

Aḡarbayjān 29 – юрт оти. Уйғур хатида бу сўз <d> харфи билан ёзилган. Вазифасига кўра уни [δ] деб ўқиш керак.

Diyārbakir vilāyatī 8, 69 – Шарқий Анатўлидаги вилоят.

Tabriz 24, 34, 48, 50 – Эрондаги ер. У замонлар Жихоншоҳнинг қўл остида эди.

Miyāna 32, 76 – Озарбайжондаги бир шаҳар.

Асарлар:

[1] *J. Deny*. Un Soyurgical du Timouride Sahruh en ecriture Ouigoure. // Journal Asiatique. Tome CCXLV. Annee 1957. Fascicule № 3. Paris. P. 253–266.

[2] *O.F. Sertkaya*. İslâmî Devrenin Uygur Harfli Eserlerine Toplu Bir Bakış. Bochum, 1977. S. 10.

[3] *Маҳмуд Қошғарий*. Девону луғотит турк. I том. Тошкент, 1960. 331–332- б.; яна қаранг: Қ. Содиқов. Қадимги турк фалсафаси. Тошкент, 2008. 109–110- б.

[4] *П. Мелиоранский*. Документ уйгурского письма султана Омер Шейха. – Записки Восточного Отделения. Т. XVI. 1904–1905. СПб., 1906. С. 01–012, таблица I.

[5] Ўша асар. С. 08.

[6] Ўша асар. Таблица I.

[7] *A.N.Kurat*. Topkapı Sarayı Müzesi Arşivindeki Altın Ordu, Kırım ve Türkistân Hanlarına ait Yarıklar ve Bitikler. İstanbul, 1940. S.119–134,196–200)

[8] *А.П. Григорьев*. Конкретные формуляры чингизидских жалованных грамот XIII–XV вв. – Тюркологический сборник. 1974. М., 1978. С. 208–209.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ РАСМИЙ ЁЗМАЛАРИНИНГ МУРОЖААТ ҚИСМИ

ҚУДРАТУЛЛА ОМОНОВ

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Темурийлар давридан қолган имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрлиқлар.

Имтиёз ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатларининг мурожаат қисми.

Давлат ҳужжатларидаги мурожаатнинг тузилиши.

Темурийлар замонида қўлланилган ҳужжат турларидан

бири имтиёз ҳуқуқини берувчи ёрликлардир. Бунга: тархонлик – суд ва солиқлардан озод қилинганлик тўғрисидаги ёзмалар; суюрғал – давлат олдидаги хизматлари эвазига бериладиган тортиқ ёрликлари; шахснинг бирор лавозимга тайинлангани хусусидаги васиқалар; элчилар ва савдогарларнинг хавфсизлигини таъмин этувчи расмий ҳужжатлар; давлатга тегишли муассасаларнинг ижарага берилиши тўғрисидаги ҳужжатлар киради.

Темурийлар давридан бундай ҳужжатлардан анчагина қолган. Чунончи, Темурбек Тарағай ўғлининг 1378 йил Хоразмда Або Муслим уруғларига берган тархонлик ёрлиғи [2], Соҳибқирон Темурбекнинг 1400 йили сиғнақлик Сирожиддинни шайхул-ислом мансабига тайинлаш муносабати билан берган нишони [3], Шохруҳ Мирзонинг 1422 йили Ҳиротнинг Чечактўба мавзеидаги Талхон ота мазорининг мужовури Исмоил учун битилган суюрғали [4], 1467 йили Абу Саид Мирзонинг оқ қўюнлилар ҳуқумдори Узун Ҳасанга йўллаган ёрлик-мактуби [5], 1469 йили Умар Шайх Мирзонинг Марғилон бузруғларидан Мир Сайид Аҳмад номига Андижонда битилган суюрғали [6] шулар сирасига киради.

Имтиёз ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжатларининг мурожаат қисми шарқ мамлакатларида *алқаб* деб юритилган [7]. Расмий матнларда давлат тизимида мавжуд, турли тўлов ва солиқларни олиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахсларга мурожат қилинади. Ўрганилаётган расмий матнлардан Соҳибқирон Темурбекнинг 1400 йилда битилган нишонидаги алқаб тубандагича:

Bu iicüirdä Siġnaq vilayatında sayyid saādat a'zam va fuzalāi kirām va zarfai zuil ihtiram va šayxi šuyux va-l-amqām va dānišmand xušāmandlari va miñ va yüz begi barča uluġ kiçik kadxudāylari va xavāja šarik ra'iyatlari. – Бу ҳозирги кездеги Сиғнақ вилоятида(ги) иқболи улуғ сайидлар ва иззатли фузалолар ва оқил ҳурмат эгалари ва улуғ мартабали

шайхлар ва заковатли донишмандлар ва минг ва юз (боши) беклари, барча улуғ, кичик кадхудолар (қишлоқ оқсоққоллари) ва хожа (ва) шерик (тоифасига мансуб) раиъатлари [8].

Ушбу расмий ёзмада кечган мурожаат анча мураккабдир. Хужжат алқаби XIV юзйилликнинг иккинчи ярмидаги темурийлар салтанати вилоятларининг маъмурий тизимидаги асосий мансабдорларни қамраб олгани билан характерлидир. Алқабни шартли равишда учга бўлиш мумкин. Улардан биринчиси, вилоят руҳонийларга мурожаат ҳисобланади. Бунга вилоятида(ги) иқболли улуғ саидлар, иззатли фузалолар, оқил хурмат эгалари, улуғ мартабали шайхлар ва барча улуғ заковатли донишмандлар (*sayyid saādat a'zam va fuzalāi kirām va zarfai zuil ihtiram va šayxi šuyux va-l-amqām va dānišmand xušāmandlari*) киради. Иккинчисига маҳаллий ҳокимиятдаги юқори ва ўрта буғун ҳарбийлари – мингбоши ва юзбоши беклар (*miñ va yüz begi*) киради. Учинчиси ёрликда берилган имтиёзни бажариш ҳуқуқи юкланган қуйи (маҳаллий) амалдорлардир. Улар: улуғ кичик кадхудолар (яъни қишлоқ оқсоққоллари), хожа ва шерик тоифасига мансуб раиъатлардир (*uluğ kičik kadxudāylari va xavāja šarik ra'iyatlari*). Мазкур мансабдорларнинг ҳар бирининг ўз вазифаси бўлган.

Темурбек Тарағай ўғлининг 1378 йил Хоразмда Або Муслим уруғларига берган тархонлик ёрлиғининг мурожаат қисмида ҳам хужжатда қайд этилган имтиёзларни бажариш салтанат илгидаги Хоразм вилоятининг амалдорларига юклатилган: *Ānča amaldārlarki, misli inaqlaru ataliqlar va toqsavullaru jiğdavullar va udayčilaru elčilār va yolčilaru quščilar va tamami aliğdaru jam'i tahsildārlar va sāhibi dāhillarga, dāri saltanati vilāyati Xavārazimda havālagardārlar, misli aqau arbāb va ğayrihim*. (Шундай амалдорларки, иноқлару оталиқлар ва тўқсовуллару жиғдавуллар ва удайчилару элчилар ва йўлчилару қўшчилар ва барча

олиғдору жами тахсилдорлар ва соҳиби доҳилларга, дорус-салтанатнинг Хоразм вилоятидаги ҳаволагардорлар – ақаю арбоб ва бошқалар). Ушбу васиқада келган мурожаат ўз даври расмий ёзмаларидан бир қадар ажралиб туради. Темурийлар даври ҳужжатларидаги мурожаат, асосан, ҳужжатнинг бошланиш қисмида келади. Ушбу ёрликда эса бир қадар айрича бўлиб, унда алқаб имтиёзга эга бўлаётган кишининг ота-боболари олдинги ўтган хонлар замонидан бери сунорғал ҳуқуқига эга бўлиб келаётгани тўғрисидаги “тарихий маълумот” қисмидан сўнг келган.

Энди темурийлар салтанатининг марказлардан бири Ҳирот муҳитида битилган уйғур ёзувли Шохрух нишонининг мурожаатига эътиборни қаратсак. 1422 йилда ёзилган ушбу ҳужжатдаги алқаб бир сўздан иборат бўлиб, унда давлатнинг кирим-чиқим, савдо-сотик, солиқ йиғиш ишларини олиб борувчи ва назорат қилувчи маҳкамаларга (*divānlarğa*) мурожаат қилинади.

1467 йили Абу Саид Мирзонинг оқ қўюнлилар ҳуқумдори Узун Ҳасанга йўллаган ёрлик-мактубида ҳукмдорнинг ўзига мурожаат қилинади. Мактубда *Hasan beggā salām tegüč, söz ul-kim* (Ҳасанбекка салом дегач, сўз ул-ким) деб мақсадга кўчилади. Чунки ушбу ҳужжат дипломатик ёзишма бўлгани боис, мурожаат Ҳасанбекка қаратилмоқда.

Фарғона вилояти ҳокими Умаршайхнинг 1469 йили Мир Сайид Аҳмадга битилган нишонидаги мурожаат Шохрух нишонидоғига қараганда кенгроқ. Унда девонлардан ташқари бевосита Марғилон туманининг барча солиқ йиғиш ишларини олиб борувчи амалдорлар ва ваколатли шахсларига ҳам мурожаат қилинган. Унинг мурожаат кўриниши шундай: *divānlarğa barča Mrağīnan orčīnīnīy tušūmal amaldār sāhib jamlariğa* (Девонларга. Барча Марғилон туманининг ваколатли шахс, солиқ йиғувчию соҳибжамларига).

Юқорида таҳлил этилган ҳужжатларнинг мурожатига

этибор берилса, уларнинг барчаси *-ğa // -gä* жўналиш келишиги кўмагида ясаляпти. Туркий хужжатларда бу каби алқабанинг ясаилиши ўтмиш хужжатчилик анъаналарига бориб тақалади. Чунончи, XI юзйилликка тегишли расмий матнларда ҳам бунинг сингари алқабни учратамиз: *ičtinki yarlıq Arslan Ögägä*. – Ички ёрлик Арслон Ўгага [9]. Бу эса биз текшираётган расмий матнлар билан қадимги туркий хужжатлар ўртасида боғлиқлик ва хужжатчилик такомили изчиллик билан кечганини кўрсатади.

Юқорида келтирилган темурийлар даври хужжатларининг алқаби бир-бирига яқин туради. Барча расмий матнларда давлат тизимида мавжуд амалдорларга мурожаат қилинган.

Шуни ҳам айтиш керакки, XV асрларда битилган темурийларнинг форс тилидаги хужжатлари мурожаатидаги фармулярларда туркий хужжатлар алқабиди келувчи *bitikčiyān, tušumalān, daruğakān, aliğdarān, qaravulān* сингари мансабдорларнинг атамаси учрайди [10]. Бу темурийлар муҳитида иш юритиш бир қолипда борганини ва расмий матнлар атамашунослигида ҳам умумийлик ва боғлиқлик бўлганидан бўлса керак.

Шунингдек, кейинги юзйилликларнинг хужжатларида ҳам Темур ва темурийлар даври расмий ёзмалари анъанаси давом этганини кўриш мумкин. Хусусан, шайбоний ҳукмдорлардан Абдуллатифнинг 1543 йилдаги ёрлиғидаги алқаб қуйидагича: *Falak rif'at kāmğār qarındaš sultānlar bilān qamar tal'at farzandlarğā va sāhibtadbir bae'tibār beglār taqī ravšan zamir amānat ši'ar vazirlarğā barča oñ sol içki taşqī kulli xāssa mulāzimlar bilān zābita amaldār aliğdarlarğā* – Юксак фалак (сингари) кудратли қариндош султонлар билан ой талаёт фарзандларга ва тадбир соҳиблари, этиборли беклар тагин оқ кўнгил ишончли вазирларга кейин ўнг (ва) чап ички (ва) ташқи барча хос мулозимлар билан молия бошқармаси зобитлари (ва) олиғдорларга [11].

Умуман, хужжатларда алқабнинг бўлиши ва юқори

мансабли амалдорларга мурожаат қилиниши расмий матннинг олий давлат фармони эканини таъминлаган. Мурожаатнинг аҳамияти шундаки, ҳужжат битилган даврда давлат маъмурий аппаратида мавжуд мансабларни аниқлашга ёрдам беради.

Шундай қилиб, XIV–XV асрлада битилган туркий ҳужжатларнинг мурожаат қисмини қиёсий ўрганиш, ушбу давр расмий битиглари алқобида ўзига хос лисоний қолип шаклланганини кўрсатмоқда.

Асарлар:

[2] Мазкур ёрлик факсимилига қаранг: *И.М. Мўминов*. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида туган ўрни ва роли. Тошкент, 1993. Китобнинг ички муқовасида ёрликнинг сурати берилган.

[3] *Н.П. Остроумов*. Жалованная грамота Темура // Туркестанские ведомости. № 254, № 255, 1910.

[4] *Қ. Омонов*. Шоҳруҳ Мирзо нишонинг ўқилишига доир янги қайдлар // Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳлилий бюллетени. Тошкент, 2005. 27–29- б.

[5] *А.Н. Kurat*. Topkapı Sarayı Müzesi Arşivindeki Altın Ordu, Kırım ve Türkistan hanlarına ait yarlık ve bitikler. İstanbul, 1940. S. 116-134.

[6] *Қ. Омонов*. Умар Шайх Мирзонинг уйғур ёзувли нишони хусусида // Филология янги юзйилликда: фаннинг тугун ва ечимлари. Т., 2003, 137-139- б.

[7] *М. Guboglu*. Paliografia și diplomatica turco-osmana Studiu și album. Buharesti, 1958. S. 61.

[8] Материалы по истории казахских ханств XV–XVIII веков. Алма-Ата, 1969. С. 317.

[9] *Л.Ю. Тугушева*. Ярлыки уйгурских князей из рукописного собрания ЛО ИВАН СССР – Тюркологический сборник 1971. М., 1972. С. 247.

[10] *L. Fekete*. Einführung in die persische paläographie. 101 persische dokumente. Budapest, 1977. S. 64, 72.

[11] Самаркандские документы XV–XVI вв. Факсимиле, критический текст, перевод, введение, примечания и указатели

О.Д. Чехович. М., 1974. С. 311.

ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ФОНЕТИК САЊЪАТЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИШИ

САЛИМА РУСТАМИЙ

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Лафзий санъатлар хусусида.

Сажъ санъати.

Тажниснинг турлари.

Тарсий ва тавзий.

Буюк сўз усталари томондан яратилган мумтоз адабиёт намуналари ҳозирги кунгача маъно жиҳатдан ҳам, шакл жиҳатдан ўз аҳимиятини сақлаб келмоқда. Бунинг сабабларидан бири уларда илгари сурилган инсонпарвар фикрларнинг гўзал шаклда баён қилинганидир. Нутқдаги бу гўзаллик бадиъ санъатлар орқали таъминланади.

Бадиъ санъатларнинг баъзиларини амалга оширишда сўзларнинг товуш жиҳатига муҳим бўлса, қолганларида асосий эътибор сўзларнинг маъноларига берилади. Шунга кўра саж ва тажнис санъатларини қўллашда сўзларнинг товуш жиҳати муҳим бўлгани учун бу санъатлар “ал-муҳассаноту-л-лафзийя” деб номланади. Бадиий асар яратилаётганда, албатта, сўзларнинг маъно жиҳати эътиборга олинади, лекин лафзий санъатларда танланган сўзнинг маъноси матнга мос бўлиб, товушларида аввалги сўздаги товушларга нисбатан мутаносиблик бўлмаса, санъат ҳосил қилиш учун бу сўзнинг маънодошлари орасидан товуш жиҳатдан мос келувчи шакли танланади.

Балоғат олимлари сажга шундай таъриф берадилар: Насрда икки фосиланинг охирги ҳарфига кўра мувофик бўлиши саждир.

Сажъ ҳақида Атоуллоҳ Хусайний ўзининг “Бадойиъу-с-санойиъ” асарида “Арабият аҳлининг бир тоифаси наздида насрға хосдур ва бу тоифа сажъни наср фосилаларининг охирғи ҳарфта мувофиқлиғидин иборат деб билиптурлар. Фосиладан мурод ул сўздирким, анинг туфайлидин калом қаринлари, яъни бўлақлари бир-биридин айрилиб турғай. Бу санъатта, қаерда зикр этилмасун, охирғи ҳарфтин мурод сўз ўзагидаги қофия равийси янглиғ амалда бўлган охирғи ҳарф ёки ўшул ҳарфқа ўхшаш ўзга бир ҳарфтур” дейди [5,62]. Бу таърифлар саж санъати фақат сўзлардаги товушлар мутаносиблиги орқалигина амалга ошишини кўрсатади.

Атоуллоҳ Хусайний “Мифтоҳ” соҳиби, сажъ, яъни наср бўлақлари охиридаги сўзлар шеърдаги қофия киби дур дептур. Равшан ва машҳури ҳам анинг ушбу қавлидур” деб Абу Ёқуб Юсуф ас-Саккокийнинг (1160-1228) таърифиға ишора қилади ва сажънинг таърифида ихтилоф бўлганидек, унинг турларини аниқлашда ҳам ихтилоф борлигини таъкидлаб шундай дейди: “Бир тойифа дерким, анинг навълари учдур: сажъ-и мутавозий, сажъ-и мутарраф, тарсиъ. Бу тоифа ... тарсиъни алоҳида санъат деб билмаслар ва ани насрға хос деб билурлар. Иккинчи бир тоифа дерким, тарсиъ сажъ навъларидин эмастур, ул алоҳида санъаттур ва анинг учинчи навъи сажъи мутавозиндур” [5,62].

Лекин кўпчилик шарқ филологлари сажъни Атоуллоҳ Хусайний таснифиға мос равишда уч, яъни мутавозий, мутарраф, мутавозин турларға бўладилар. Жумладан, Шайх Аҳмад Гарозий (XV аср) бадий санъатларға бағишланган “Фунуну-л-балоға” асарида сажъни назмға нисбатан кўллайди ва Хусайний таснифиға мос келувчи сажъу-л-мувозана, яъни мутавозин, сажъу-л-мутавозий ва сажъу-т-тарафа, яъни мутарраф турларға ажратади.

Сажъ-и мутавозийда сажъ ҳосил қилаётган сўзлар ҳам вазнда, ҳам товушларда ўзаро мутаносибликка эга бўлади. Масалан, “салтанат” – “хилофат”, “нозанин” – “жаҳонбин”,

“рафиъ” – “бадиъ” сингари.

Сажъ-и мутарраф ҳосил бўлиши учун сажъ ҳосил қилаётган сўзлар вазнда ва товушлар соннда фарқ қилиши, лекин охирги ҳарфлари ўзаро мос бўлиши керак. Масалан: “рахшанда” – “дурахшанда”, “жаҳонбон” – “кишваристон” сўзлари каби.

Сажъ-и мутавозин вазн жиҳатдан мос, лекин товушларда фарқ қилувчи сўзлар воситасида ҳосил қилинади. Масалан: “ахлоқ” – “авсоф”, “тақаддум” – “тааххур”. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан олинган куйидаги мисолда сажънинг барча турларини учратиш мумкин:

“Сўз таърифида бир неча сўз сурмак ва сўз аҳлиға андин неча сўз тегурмак ва коинотқа тақаддумининг сифоти, мумкинотқа тааххурининг исботи ва онинг пардасидин бошқа маъний бикри жилвадин орий ва кўнгул кунжида мутаворий эркониинг изҳори” [3,29].

Юқоридаги мисолда “коинот” – “мумкинот”, “сифот” – “исбот” сўзлари тўлиқ (мутавозий) сажъни; “сур” – “тугур”, “орий” – “мутаворий” сўзлари қофияли (мутарраф) сажъни; “тақаддум” – “тааххур” сўзлари вазндош (мутавозин) сажъни ҳосил қилади.

Товушдошликни талаб қилувчи санъатлардан яна бири тажнисдир. Тажнис санъати “жинос” деб ҳам юритилади. “Тажнис”нинг луғавий маъноси жинсдошлиқдир. Бадиъ илмида талаффузда ўхшаш бўлиб, маъно жиҳатдан фарқ қиладиган икки сўз тажнисни ташкил қилади, яъни бу тушунчага “пароном ва омонимларга асосланган бадий тасвир воситалари мужассамлашган” [6,52].

Тажнис сўзлардаги товушларнинг мослигига ва имлосига кўра бир неча турга бўлинади ва уларнинг барчаси мумтоз асарларда кенг қўлланган:

Тажнису-т-томм. Тажниснинг бутури “тажнис-и-томм” ва “тажнис-и-тасриҳ” деб ҳам юритилади [8,37]. Бунда икки сўз

тўрт жиҳатдан, яъни товушларнинг тури, шакли, сони ва тартибига кўра мос келади, лекин маъно жиҳатдан фарк қилади. Бундай сўзлар тилшунослик нуктаи назаридан омонимларга тўғри келади. Омонимлар орқали тажниснинг мумосил, муставфий турлари ҳосил қилинади.

Мумосилда тажнис ҳосил қилаётган сўзлар бир хил сўз туркумига хос, яъни ёки фақат исм, ёки фақат феъл, ёки фақат ҳарф бўлиши керак.

Масалан:

Истаса васлин кўнгул кўз рашқдин қон ёш тўкар,

Кўз юзин кўргач кўнгул юз нола ғайратдин қилур [2,178].

Бу мисолда муставфий ҳосил қилаётган “юз” сўзларидан бири от туркумига, иккинчиси сон туркумига мансуб бўлиб, от ҳам, сон ҳам исм туркумига хос сўзлардир.

Муставфий - сўзлари икки хил сўз туркумига хос бўлган тажнис. Юсуф Амирийдан мисол:

Эй кўнгул, бу кеча ул ой сори бор,

Оҳ ўтин ёрутмаким, ағёри бор.

Бу мисолда муставфий ҳосил қилаётган “бор” сўзларидан бири феъл туркумига, иккинчиси исм туркумига мансуб бўлган сўзлардир.

“Тажнису-т-таркиб” деб аталувчи тажнисда лафзлардан бири бирикмадан иборат бўлади. У қуйидаги икки турга бўлинади:

Биринчиси муташобих бўлиб, унда ҳар икки лафз ёзувда бир хил шаклга эга бўлади. Аҳмад Тарозийдан мисол:

Сочи савдосидур бозор бизга.

Насимий, эй сабо, бозор бизга.

Лутфийдан мисол:

Чархи кажрафтор элидин ёзамен,

Чиқмадим ҳижрон қишиндин ёза мен... [7,110].

Бу байтларнинг иккинчи мисраидаги “бозор” ва “ёза мен” сўзлари муташобих тажнис ҳосил қилган.

Иккинчи тури мафруқ бўлиб, унда ҳар икки лафз ёзувда

турли шаклга эга бўлади. Аҳмад Тарозийдан келтирилган куйидаги мисолда “гулзор” ва “гул зор” лафзлари тажнису-таркибнинг мафрук турини ҳосил қилган:

Юзунг мисли қачон гулзор бўлғай?

Ки булбул ошику гул зор бўлғай? [10,89]

Муҳарраф – лафзларнинг қисқа унлилари ва унлисиз ундошлари, ундошларнинг иккиланиши ва яккаланиши, унлиларнинг чўзиқ ва қисқа талаффузи турлича бўлади [5,39-40]. Масалан:

Бизга бор жаврунг вафодин яхшироқ.

Қилмағил, эй турк, бу одатни тарк [10,87].

Ноқис тажнис – сўзлардаги ҳарфлар сонига кўра фарк қилади. Бундай тажнис уч турлидир:

Биринчи – сўз бошида битта ҳарф ортиқ бўлади. Бу турга куйида келтирилган байтлардаги “фузун” билан “узун”, “аломат” билан “маломат” сўзларини мисол қилиш мумкин:

Рангу нақш ул парда ғоятдин фузун,

Ким онинг шарҳида сўз бўлғай узун [1,40].

Лутфийдан мисол:

Чу пайдо бўлди минг турлук аломат,

Этиб лоҳавл ўзин қилди маломат [7,128].

Иккинчи – сўз ўртасида битта ҳарф ортиқ бўлади.

Масалан:

Жола жисмин уруб нигун қилди

Ким, танин зарби нилгун қилди [4,7].

Мазкур байтдаги “нигун” билан “нилгун” сўзлари ноқис тажнисни ҳосил қилган.

Учинчи – сўз охирида битта ҳарф ортиқ бўлади, масалан, “сана” – “санам” сўзларидаги каби.

“Талхису-л-мифтоҳ”да ноқис тажниснинг учинчи тури ҳақида сўзнинг ортиқ ҳарфлари биттадан кўп бўлса, музайял деб атовчилар ҳам борлиги айтиб ўтилган. Масалан, куйида келтирилган байтдаги “ранж” – “ранжон” сўзлари каби:

Жоним ол, эй ҳажру жононсиз манга ранж истама,

Чунки жононсиз Навоий жонидин ранжон эрур.

Атоуллоҳ Ҳусайни тажнис-и-ноқис ҳақида уни тажнис-и мухталиф ва тажнис-и муҳарраф деб ҳам аталишини таъкидлайди ва “Талхису-л-мифтоҳ” бўйича муҳарраф тажнисга мос келувчи таърифни тажнис-и-ноқис номи билан келтиради. “Талхису-л-мифтоҳ”да ноқис тажнисга мос келувчи таъриф эса “Бадойиъу-с-санойиъ”да тажнис-и-музаййалга тўғри келади. Бу маълумот баъзи таснифларда тажниснинг “ноқис” ва “муҳарраф” атамалари бир-биридан фаркланмаганини ва олимлар ўртасида ноқис, муҳарраф ва музаййал тажнислар таърифларида чалкашликлар борлигини кўрсатади [5,41].

Мудориъ – тажнис ҳосил қилаётган лафзлардаги товушлардан бири орасида фарқ бўлади ва бу фарқ қилувчи товушларнинг махражи ўзаро яқин бўлиши шарт. Тажниснинг бу турида эвфония ҳодисаси кузатилади [6,54]. Мудориъ тажнис фарқ қилувчи товушларнинг сўздаги ўрнига кўра уч турли бўлади:

1. Сўз бошидаги фарқ, Навоийнинг “Лисонут-тайр”идан мисол:

Берди Худхуд қавмға мундоқ жавоб,

Ким: - “Бу янглиғ онглангиз ройи савоб...” [1,94].

Ёки Лутфийдан мисол:

Недур, эй беҳамиятлар, бу ҳайрат!

Эр ўғлиға керактур бўлса ғайрат [7,205].

Бу мисолларда “жавоб” билан “савоб” сўзларидаги “ж” ва “с” тилолди, “ҳайрат” билан “ғайрат”даги “ҳ” ва “ғ” тилорқа товушларидир.

2. Сўз ўртасидаги фарқ, мисолларда келтирилган “тарвиж” ва “тазвиж”даги “р” ва “з”, “такрир” ва “тақдир” даги “р” ва “д” товушлари каби:

Сур дастури чун топти тарвиж,

Шоҳ ила моҳлар топти тазвиж [8,36].

Гаҳи қилди фалак жаврини тақир
Гаҳи этти баҳона дасти тақир [7,166].

3. Сўз охиридаги фарқ. Масалан, “жом” – “жон” сўзларидаги “м” ва “н” товушлари каби.

Лоҳиқ – мудориъ каби тажнис ҳосил қилаётган лафзлардаги товушлардан бири орасида фарқ бўлади. Лекин бу товушларнинг маҳражи яқин бўлмайди. Бу турдаги тажнис ҳам уч турли бўлади, яъни сўз бошида, ва сўз охиридаги фарқ.

Сўз бошида фарқ қилган товушли лоҳиқ тажнисга мисоллар:

Қасри тан онда кўнгулни кўзгу бил,
Кўзгуда шаҳ хуснини наззора қил [1,92].

Бу байтда “бил” билан “қил” сўзларидаги “б” лаб товуш ва “қ” чуқур тилорқа товуши ҳисобланади.

Саккокийдан келтирилган мисолдаги “жон” ва “қон” сўзларида “ж” тилолди товуши бўлса, “қ” чуқур тилорқа товушидир, яъни тажнис ҳосил қилган сўзлар таркибидаги фарқ қилувчи товушларнинг ҳосил бўлиш ўрни бир-биридан узоқ:

Фурқатингда, эй пари, тан куйди-ю жон йиғлади,
Дам-бадам икки кўзум худ қайғудин қон йиғлади [9,38].

Сўз охирида фарқ қилган товушли лоҳиқ тажнисга мисол:
Эшитмадим нечаким кездим офок,
Кўзи, кошидин ўзга офот [10,90].

Аҳмад Тарозий шу турдаги мудориъ тажнисни ат-тажнису-л-мутарраф деб атайди.

Маълум бўлганидек, тажниснинг мудориъ ва лоҳиқ турлари пароним сўзлар воситасида ҳосил қилинади.

Тажнис-и-қалб – товушлар тартибида фарқ бўлади. У икки хилдир. Бирида ҳамма товушлар тартиби тесқари бўлади. Масалан, “хур” – “руҳ” сўзлари каби:

Ҳаётбахш эса ул хур аксидин бода,

Маҳалла ҳайрат эмас, ҳур аксидиндир рух [2,120].

Бошқасида баъзи товушлар тартиби тескари бўлади. Масалан: куйидаги байтдаги “ҳайрон” – “ҳар ён” сўзлари.

Қолди ҳайрон зоҳид ашкимда кўруб ҳар ён ҳубоб,
Рўстойидекки ҳайрат айлағай ўрду кўруб [2,78].

Атоуллоҳ Ҳусайни маълумотиға кўра бу хил тажнис тажнис-и-акс деб ҳам юритилади ва айрим олимлардан ташқари “Мифтоҳ” соҳиби, барча араб арбоблари ва аҷам шоирлари тажнис-и-қалбни тажнис тури деб ҳисобламайдилар ва уни қалб санъатиға киритадилар [5,45].

Тажнис-и-муздаваж – кетма-кет келган сўзлар ҳам ўзаро тажнис ҳосил қилади. У муқаррар, мураддад деб ҳам аталади. Тажнис-и-муздаваж ҳам тўлиқ, ҳам тўлиқ бўлмаган тажнислар орасида ҳосил бўлади. Лутфийнинг “Гул ва Наврўз” достонидан мисол:

Эй кўзим, бир дам дам ур, бағримда ҳеч қон қолмади... [7,33].

...Ани чун шаҳ надими ҳос қилди,

Иноят бирла ҳосу-л-ҳос қилди [7,125].

Тавзиъ санъатида иждокор ўз фикрини ифодалашда бир хил товушға эға бўлган сўзларни қўллайди. Масалан:

Чунки ул Исо нафас қасд этти, Саккокий сенға,

Дарди дил бирла ўлардин ўзға дармон қолмади [9,33].

Бу мисолнинг биринчи мисраида “Исо”, “нафас”, “қасд”, “Саккокий”, “сенға” сўзлари “с” товуши билан, иккинчи мисрадаги “дарди”, “дил”, “ўлардин”, “дармон”, “қолмади” сўзлари “д” товуши билан тавзиъ ҳосил қилган.

Сажъ, тажнис ва тавзиъ мумтоз адабиётда кенг қўлланган фонетик санъатлар жумласиға киради ва улар муаллиф фикрини равон, оҳангдор ифодалашға ёрдам берса, ўқувчи ва тингловчиға эмоционал завқ бериб, унинг эстетик дидини оширишға хизмат қилади.

Асарлар:

[1] *Алишер Навоий*. Лисонут-тайр. Мукамал асарлар тўплами. Ўн иккинчи том. Йигирма томлик. Тошкент, 1996.

[2] *Алишер Навоий*. Хазойинул-маоний. Фаройибус-сиғар. Илмий танқидий текст асосида нашрга тайёрловчи Ҳ. Сулаймон. Тошкент, 1959.

[3] *Алишер Навоий*. Хамса. Фарход ва Ширин. Илмий танқидий матн. Тузувчи: П. Шамсиев. Тошкент, 1970.

[4] *Алишер Навоий*. Хамса. “Сабъаи сайёр”. Илмий танқидий матн. Тузувчи: П. Шамсиев. Тошкент, 1956.

[5] *Атоуллоҳ Ҳусайни*. Бадойиъу-с-санойиъ. Форсчадан А. Рустамов таржимаси. Тошкент, 1981.

[6] *М. Зиёвуддинова*. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. (Аруз, қофия, бадиият илми истилоҳлари тарихига оид). Тошкент, 2001.

[7] *Лутфий*. Танланган асарлар. Иккинчи нашри. Тошкент, 1960.

[8] *А. Рустамов*. Навоийнинг бадиий маҳорати. Тошкент, 1979.

[9] *Саккокий*. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи Қ. Муниров. Тошкент, 1958.

[10] *Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий*. Фунуну-л-балоға. А. Ҳайитметов табдили. Тошкент, 1996.

УБАЙДИЙ ИЖОДИГА АҲМАД ЯССАВИЙ ШЕЪРИЯТИНИНГ ТАЪСИРИ

МАРЯМ ЭШМУҲАМЕДОВА

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Аҳмад Яссавийнинг туркий адабиёт тарихида ҳикмат жанрини юксалтиришдаги ўрни.

Убайдий Яссавий анъаналарининг давомчиси.

Маълумки, Аҳмад Яссавийдан бошлаб туркий адабиётда ҳикматнавислик анъанаси шаклланди, ўзига хос мактаб

яратилди. Аҳмад Яссавий асос солган мазкур мактаб шоирлари XIX асргача ўз фаолиятларини давом эттириб келдилар. Ҳиматнавислик, Яссавий мактаби шоирлари ижодини ўрганиш, Яссавий ҳикматлари таъсирида ижод этиб номлари илм оламида таниш ва нотаниш бўлган шоирлар ижодини ўрганиш, тадқиқ этиш бугунги кун талабидир.

Ана шу мактаб шоирларидан бири Кул Убайдийдир.

Убайдуллахон наслан шайбонийлар сулоласига мансуб бўлиб, Бухоро ҳокими Маҳмуд Султоннинг ўғлидир. У бир кўлида қилич, бир кўлида қалам ушлаган ижодкорлар сирасига киради.

Убайдуллахон Шайбоний ҳукмдорлар Кўчкинчихон ва унинг ўғли Абусаидлар ҳукмронлиги йиллари (XVI аср) уларга ноиб, 1533-1539 йилларда эса хон сифатида мамлакатни бошқарди.

У саркарда сифатида қатъий интизом тарафдори эканлиги ва жасурлиги билан ҳукмдор сифатида қаттиққўллиги ва мамлакатни обод қилишга алоҳида эътибор берганлиги билан тарихда ном қолдирди. Ислом оламида машҳур бўлган “Мирараб” мадрасаси у томонидан курдирилган. Хоки ҳам шу мадрасага қўйилган.

Убайдуллахон “Кул Убайдий”, “Убайдий” тахаллуслари билан шеър ёзган.

ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шаркунослик институти кўлөзмалар хазинасида 3931- рақами остида Убайдий девони сақланмоқда. Мазкур девон XVI асрга мансуб бўлиб, арабий, форсий ва туркий тилдаги шеърлардан таркиб топган. Уч қисмдан иборат бўлган ушбу девоннинг учинчи қисмидан туркий тилдаги шеърлар ва ҳикматлар ўрин олган.

Убайдий ҳикматлари шаклу шамойил, мазмун жиҳатидан Яссавий ҳикматларига ҳамоҳанг. Масалан, Яссавийда ўқиймиз:

На хум тотлиғ ху ёди сахар вақти бўлганда,

Болдин сучук ху оти саҳар бўлганда.
Иймон шаъмин ёндирсанг, руҳ қишини кўндирсанг,
Худойингга сизин сан саҳар вақти бўлганда.

Убайдийда:

Ҳар ким қилса Ҳақ ёдин, Ҳақ эшитур фарёдин,
Топар барча муродин ошиқ саҳар вақтида.
Кўнглунг кўзи очилур, ичу ташинг тузалур,
Сен нозир, ул манзур ошиқ саҳар вақтинда.

Аҳмад Яссавий ҳикматларининг асосида оят ва ҳадислар
ётади. Буни шоирнинг ўзи ҳам эътироф этиб шундай дейди:

Мани ҳикматларим кони ҳадисдур,
Киши бўй элтмаса билгил сабисдур.

“Девони ҳикмат”да шоир оят ва ҳадислардан иқтибослар
келтиради ёки талмехлар ишлатади. Убайдий девонида ҳам
шуни кузатиш мумкин.

Масалан, Аҳмад Яссавийда:

“Фазкуруллоҳа касиран...” деб оят келди,
Зикрин айтиб зорий қилиб юрдим мано.

Убайдийда:

“Атиуллоҳа...” оятини эшиткали

Жоним билан итоатин қилдим мано.

“Девони ҳикмат”да оят ва ҳадислардан иқтибос
келтирилмаган ўринларда ишоралар келтирилади, бу ҳолни
Убайдий ҳикматларига нисбатан ҳам айтиш мумкин.

Яссавийда:

Ким анинг кўйинда бўлса, Ҳақ анинг кўнглиндадур,
Ҳар сари борса, ўшал ёри билан парвоз этар.

Убайдийда:

Ҳар ким қилса, ҳақ ёдин ҳақ эшитур фарёдин,
Топар барча муродин ошиқ саҳар вақтинда.

Ҳар иккала ҳикматда қуйидаги оятга ишора қилинапти:
“Бас, Мени ёд этингиз, Мен ҳам сизларни ёд этурман. Менга
шукр қилингиз, ношукрчилик қилмангиз!” (“Бақара” сураси,
152- оят).

Бундан ташқари, Аҳмад Яссавий ҳикматларининг аксарияти халқ қўшиқлари сингари содда, халқона ёзилган, лекин арузда ёзилганлари ҳам бор. Масалан:

Тутунг пандимни, эй дўстлар, замона бўлмангиз ғофил,
Ўлумни ёд этиб ҳар дам замона бўлмангиз ғофил.

Убайдий ҳикматларининг ҳам арузда ёзилганлири бор:

То бўлубмен чарх янглиғ зору саргардон анга,
Жон манга ҳайрон, анинг ошиқинда ман ҳайрон анга.

“Девони ҳикмат” матни билан танишган киши шунга амин бўладики, унинг ҳикматлари мазмунини амри маъруф, наҳйи мункар, комил инсонлик даражасига эришиш йўллари ... ва ишқ васфи ташкил этади:

Муҳаббатдан хабар билган ўзин билмас,

Боши кетса то ёри йўқ жонни билмас.

Ишқ каломи-завқ таоми, нонни билмас,

Ху, ху, тею зикрин айтиб юрар эрмиш.

Убайдийда ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин:

Бил, юрунмас шариат, ҳам кўрунмас тариқат,

Зоҳир ўлмас ҳақиқат орада ишқ бўлмаса.

Кечмас эрди қонидин, ошиқ хонумонидин,

Боши била жонидин орада ишқ ўлмаса.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Аҳмад Яссавий ўзи асос солган мактаб шоирларига ҳар томонлама ўрнак бўлган. Жумладан, Убайдий ҳам ҳар жиҳатдан унга эришган, ўрганган, илҳомланган ва таъсирланган ҳолда ўз ҳикматларини ёзган.

Асарлар:

[1] Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. Таржима ва изоҳ муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент, 2001.

[2] *Аҳмад Яссавий*. Девони ҳикмат. № 3716.

[3] *Қул Убайдий*. Куллиёт. № 3931.

[4] Хожа Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди ва анъаналари. Тошкент, 2001.

[5] И. Ҳаққулов. Шеърят, руҳий муносабат. Тошкент, 1989.

“ҚИСАСИ РАБҒУЗИЙ”ДА ҚЎЛЛАНГАН ТЎШ- ФЕЪЛИНИНГ МАЪНОЛАРИ

БАХТИЁР АБДУШУКУРОВ

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Сўзнинг маъно кўлами тушунчаси.

“Қисаси Рабғузий” да қайд этилган *тўш*- феълининг маънолари

Маълумки, сўз жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланади, янги маънолар касб этади, маъно қирраларини вужудга келтиради. Пайдо бўлган сема ёки маъно нозикликлари кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, умумхалқ тилидан мустаҳкам ўрин олади. Шу ўринда сўз семалари ва маъно нозикликлари ўртасидаги семантик боғланиш ҳамда чегарани фарқлаш, уларга тўғри изоҳ бериш муҳим вазифалардан ҳисобланади. ҳар бир сўз ўрни билан бир-бирига яқин тушунчаларни ёки бир-биридан узоқроқ тушунчаларни ифодалаш мумкин. Яқин тушунчалар ифодаси сўзнинг маъно нозиклигидир, узоқроқ тушунчалар ифодаси эса сўзнинг мустақил маъносидир. Маъно нозикликлари билан мустақил маънолар ўртасидаги семантик боғланиш яққол сезилиб туради, аммо мустақил маънолар ўртасидаги боғланиш унчалик сезилмайди. Сўзнинг маънолари ва маъно нозикликлари унинг ўз(асл) маъноси бўлиши ҳам мумкин, кўчма маъноси бўлиши ҳам мумкин [1]. Маънолар тил системасидан хабардор барча кишилар учун барқарор ва умумийдир. қўлланиш эса сўз маъноларидан бирининг баъзан индивидуал тарзда, айрим ҳолларда маълум даражада кишилар томонидан ишлатилиши мумкин бўлган ҳолат ҳисобланади [2]. Дарҳақиқат, XIV асрда яратилган “Қисаси Рабғузий” обидасида [3] қайд этилган лексик

бирликлар маъноларининг аксарияти тилда у ёки бу даражада кенг тарқалган ва тушунча нуқтаи назаридан ўзи тегишли ҳисобланган бирор сўзга яқин туради. Чунончи, асарда қўлланилган *тўш*- “тушмоқ” тик ҳаракат феъли қадимги туркий тил манбалари ва эски туркий адабий тилнинг илк ёдгорликларида “юқоридан, баланддан ёки бирор нарса устидан пастга, ерга ҳаракат қилмоқ” дастлабки мустақил маъносидан ташқари “бирор транспорт воситаси ёки уловдан тушмоқ”, “сафарда бирор жойга бориб тўхтамоқ”, “ёғмоқ”, “узилиб тушмоқ”, “бирор нарса ичига кирмоқ, чўммоқ” [4] сингари маъно оттенкаларини ҳам ифодалаган. Изланишларимиз мазкур лексема асар муаллифи томонидан қуйидаги маъноларда қўлланилганлигини кўрсатди [5]:

1. “Юқоридан, баланддан ёки бирор нарса устидан пастга, ерга ҳаракат қилмоқ”: *Ибн Йаминниң йаши ақа тахтдын тўшўб эвгә кирди* (101v21).

2. “Бирор нарса ичига кирмоқ”: *Оглан эмгәкләб барыб танурга тўшди* (172r16).

3. “Сафар чоғи бирор ерда дам олиш учун тўхтамоқ”: *Маккагә бир кўнлүк йәр қалыб эрди, тўшдиләр* (179v21).

4. “Маълум бир йўналишда тарқалиб, муайян нуқтага ёйилмоқ”: *Қачан ул тўнлүкләрдин кўн тўшсә, ул гавҳарләр йаруқлук бэрүрләр эрди* (147r7).

5. “Илинмоқ”: *Бу кўн нәчә балық тутсақ сәңә бэрәлиң тәдиләр, ағ салдылар, нарса тўшмәди* (144v14). Ушбу мисолда тадқиқ этилаётган лексик бирлик *илин*- феълининг маънодоши сифатида кўзга ташланади: ...*Көзи көрклүккә тўшди, ал қылды, ағга илинди* (77r10).

6. “Бирор хонадонга узатилмоқ, келин бўлмоқ”: *Тэвәләри чалықлық қылыб бурундуқлатмасалар йаңы тўшгән кәлинләрни кәлтүрүб, үн тўзүб ырлатурлар* (198r2).

7. “Бирор хатти-ҳаракатга киришмоқ”: *Бэрк йолга тўштиләр, агышы-иниши тәлим* (225v8).

8. “Қандайдир сабаб ва мақсад билан бировнинг олдига

бормоқ”: *Айды: қачан маликка бир иш тўшса, ул хоруслар чақырур (141v14).*

9. “Боқмоқ, назар солмоқ”: *Кимниң көзи Мусәга тўшса, тирик барынча көзи көрмәс эрди (123v15).* Бу ўринда лексема бақ- феъли билан синонимик қаторни юзага келтирган: *Малик йана бәкләриңә бақды, йәғирми төрт миң эр бирлә атланыб, кәлдиләр (64r16).*

10. “Дучор бўлмоқ, содир бўлмоқ”: *Иблисгә ул хәл тўшимшидин бәрү көзүмиз йашы қурымышы йоқ (209v8).*

11. “Бирор мансабдан бўшамоқ, хурмат-эътибордан четда қолмоқ”: *Қузы тўшгәнләрни йоқару көтәргән, өрә қопғанларны йумурлаган, бәргәнсән, алғансан, бу абушгага оғулар карәмат қылғыл (78r21).*

Тахлил этилаётган лексема от ҳамда феъл сўз туркумларига оид сўзлар билан бирикиб, қўшма феъллар ҳам хосил қилган ва улар куйидаги маъноларни англатган:

12. “Қўлга тушмоқ, гирифтор бўлмоқ”: *Сәниң илкиңә тўшмәсәм қамугын өгрәнүр эрдим (141v7).*

13. “Бошига қайғу, мусибат тушмоқ”: *Қачан уларга бир мўң-қазғу тўшса, йағылары билгүрсә, ул тәбутны чықарыб илгәрү қойуб, дуә қылсалар ул муң, ул йағыдын қутулур эрдиләр (131v20).*

14. “Хабар тарқалмоқ”: *Миср халқы ара хабар тўшдиким, Мәлик За’р бир кул оғлан кәтүрмиш (75r4).*

15. “Ҳомиласидан айрилмоқ”: *Йўклүк урагутлар қамугы оғлан тўшүрдиләр (136v12).*

16. “Овоза бўлмоқ”: *Нәахләрдин, кәфирлардин, зындықлардын мусулмәнлар ағзыга тўшди, билмәсликдән сөзләйүрләр (145v1).*

17. “Бошига тушмоқ”: *Маширқдын Мағрибга тәғи қайу йәрдә тайақ ташиласа, киши башынга тўшяр эрди (23r9).*

Айни пайтда, қиссада ўрганилаётган феълнинг ин- маънодоши ҳам учрайди: *Мавләдин илк қат көк фаришталәрингә йарлығ кәлди, йәргә индиләр (121r2).* Кези

келганда қайд этиш жоизки, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” да *тўш*- феълининг 26 та маъноси берилган [6].

Шундай қилиб, юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан аён бўладики, матннинг турли стилистик тузилишига кўра, сўзларни ҳар хил маъноларда ишлатиш мумкин. Рабғузий сўзларнинг бу хусусиятидан лингвистик қоидаларга мувофиқ тарзда фойдаланиб, уларни ранг-баранг маъноларда қўллашга муваффақ бўлган. Бу эса муаллифнинг нафақат диний, шунингдек, тилшуносликка оид билимларни ҳам пухта ўзлаштирганлигидан далолатдир.

Асарлар:

[1] Ўзбек тилининг изоҳли луғатини тузиш учун қўлланма. Тошкент, 1964, 46-бет.

[2] *В.В. Виноградов*. Русский язык. М.–Л., 1947. С. 21.

[3] *K. Gronbech*. Rabguzi Narrationes de Prophetis. Cod. Mus. Brit. Add. 7851. Copenhagen. 1948.

[4] Древнетюркский словарь. Л., 1969. С. 32.

[5] Қаранг: *Р. Расулов*. Ўзбек тили феълларининг семантик структураси. Тошкент, 1991; *С. Мухамедова*. Ўзбек тилидаги ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги. Тошкент, 2005; *Ҳ. Дадабоев*. “Қисаси Рабғузий” тилидаги туркий лексемалар семантикаси. Второй международный тюркологический конгресс. Современная тюркология: теория, практика и преспектива. Туркистан. 2006. 90–93- б.; “Қисаси Рабғузий” асаридаги *сал*-феълининг семантикасига доир. Ўзбек тилшунослиги масалалари. Тошкент, 2006. 22–23- б.; *Б. Абдушукуров*. “Қисаси Рабғузий” асаридаги *ал*- феълининг маъно нозикликлари. // “Жайхун” журнали. Тошкент, 2007. 1- сон. 49–52- б.; “Қисаси Рабғузий” обидасидаги *көтәр* // *көтүр*- феълининг семалари. “Ўзбек тили ва адабиёти”. 2007. 5-сон. 80-83- б.

[6] Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., 1981. 2- том. 237-239-б.

АРАБ ТИЛИГА ТУРКИЙДАН ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАР

МАЛИКА НОСИРОВА

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Тилларнинг ўзаро таъсири масалалари.

Ўзлашма сўзларни тадқиқ қилиш йўллари.

Ўзлашма сўзларнинг семантик торайиши ва кенгайиши ходисаси.

Маълумки, ҳар бир тилнинг луғат таркибида бошқа тиллардан ўтган сўзлар ўзига хос ўринни эгаллайди ва бу мураккаб тарихий жараённинг натижасидир. Чунки ҳар қандай жамият ўз тарихий тараққиёти давомида бошқа миллатлар билан сиёсий, маданий, маҳаллий муносабатларда бўлади. Ҳеч қандай халқ ўз тараққиёти йўлида бошқа халқлар билан алоқа қилмасдан, айри хўжалик юритиши мумкин бўлмаганидек, бирорта халқнинг тили яқка ҳолда тараққий қилиши мумкин эмас. Шунга кўра, ҳар бир тилнинг лексикасида этимологик жиҳатдан шу тилнинг ўзиники бўлган сўзлардан ташқари, бошқа тиллардан кирган лексик элементларнинг бўлиши ҳам табиийдир.

Тилларнинг ўзаро таъсири масаласи узоқ даврлардан буён тилшунослар диққатини тортиб келмоқда (Масалан, Алишер Навоийнинг “Муҳокамату-л-луғатайн” асари). Тилларнинг ўзаро муносабатда бўлиши тил тараққиёти жараёнининг асосий хусусиятларидан биридир [1]. Тил халқ тараққиётининг ажралмас ҳамроҳидир. Бошқа тиллар таъсиридан ажратиб, маълум бир қобикқа солиб қўйилган тилнинг ўзи йўқ.

XX асрнинг иккинчи ярмида тилларнинг ўзаро таъсири масалалари ҳақида тилшуносликка оид тадқиқотлар анча кўпайди. Бу масалалар дастлаб ҳинд-европа тиллари материаллари асосида лингвистик изланишларда ўз аксини топган бўлса, Осиё ва Африка тилларининг ўзаро алоқаси

масалалари тадқиқот объекти бўлди.

Тилларнинг ўзаро таъсири масаласи биринчи бўлиб Уриал Вайирах томонидан атрофлича ўрганилган ва тилшуносликда “тилларнинг ўзаро таъсири” атамаси киритилган [2].

Туркий халқлар араб халқи билан кўп асрлар ўзаро иқтисодий ва маданий алоқада бўлиб келганлар. Ўзбек тилида учрайдиган арабизмларнинг катта миқдори ва аксинча, араб тилида учрайдиган туркий сўзлар шу билан тушунтирилади. Уларнинг лексик ўзгаришларини ўрганиш фавқулудда муҳим ишдир. Чунки мазкур ҳолатда турли тил оилаларига ва системасига мансуб бўлган тилларнинг ўзаро таъсир йўллари ва тенденциялари ҳақида гап борапти. Буни ўрганиш нафақат ўзбек ва араб тилшунослигини, балки тилларнинг ўзаро мулоқоти назариясини, у орқали тилнинг умумий назариясини бойитади. Тарихий луғатларни тузишда катта ёрдам беради.

Йирик тилшунос олим Аҳмад ас-Саид Сулаймон араб тилидаги ўзлашма сўзларга бағишланган тадқиқотида араб тилида кенг истеъмолда бўлган форсий, туркий ва юнон ўзлашма сўзларини таҳлил қилади. Жумладан шундай дейди: “Биз араб тилида ишлатиладиган *ибрийқ* – “чойнак” сўзи асли форсча *обрийз* сўзининг ўзлашмаси деб ўйлар эдик. Бироқ бизда “Нима арабларни “зо” ҳарфини “қоф” ҳарфига ўзгартиришга мажбур қилди?” - деган савол туғилди. Бунга жавоб йўқ эди. Изланишлардан сўнг *ибрийқ* сўзи туркийдаги *иврийқ* сўзи эканлиги тасдиқланди. Дарҳақиқат, *иврийқ* сўзидаги “вов” ҳарфи *ибрийқ* сўзидаги “бо” ҳарфи бўлиб, у “в” товушининг “б” шаклида нотўғри талаффузи натижасидир” [3].

Сўзимизнинг исботи сифатида Маҳмуд Кашғарийнинг “Девону луғотит-турк” асаридан бир тўртлик келтирамиз :

Кўклар камуғ тузулди,	(Ҳамма созлар созланди
Ивриқ идиш тузилди,	Май косалар тизилди
Сансиз ўзум узалди,	Сенсиз кўнглим бузулди

Келгил амул ўйналим Кел, яйраб-яшнаб ўйнайлик) [4]

Бу вазиятда биз икки тилда ҳам бир маънони англатувчи ўзлашма сўзлар семантикаси, икки тилда ҳам маънолар тенглиги ҳодисасини кузатяпмиз.

“Ёки барча “арабларга форслардан кириб келган” деб ўйлайдиган “Барбат” деб аталувчи мусиқа асбоби ҳақида гапирсак. “Барбат” икки форсий сўз, яъни “кўкрак, кўкрак кафаси” маъносидаги “бар” ва паррада номи “ғоз” сўзи - “батта”нинг йиғиндисидан иборат билар эдик. Мазкур асбобнинг бундай номланиши унинг кўриниши ғознинг кўкрагига ўхшашида деб билар эдик. Форс олимлари ўзларининг “асҳоби луға”лари билан узоқ баҳслардан сўнг бу юнонча *Barbitos* сўзнинг паҳлавий тилига *Barbut* шаклида ўзлашган варианты эканлигини аниқладилар” [5].

Турли гуруҳларга мансуб тиллардаги ўзлашма сўзларнинг у ёки бу хусуси-ятларини очиб бериш жараёнида, ўзлашма сўзларнинг ўзига қуйидагича таъриф берилади: “Ўзлашма сўз – бу чет тилдан кўчган лексика бўлиб, ўзлаштирувчи тилнинг фонетик, лексик-семантик, грамматик қобиғига бўйсунган бўлади” [6].

Туркий тиллардан араб тилига ўзлашган сўзларда ҳам бу ҳодисани кузатамиз. Масалан: “бой”, “калиш”, “қовун” каби ўзлашмаларнинг кўплик шакли араб тилида тўғрик кўплик, муаннас жинсининг “-атун” қўшимчаси ёрдамида ясалган, яъни “бой” сўзидан – باى кўплиги بيات; “калиш” – كالوش кўплиги - كالوشات; “қовун” сўзидан قاونون – قاونون. قاونونات шаклида.

Ёки “хоқон”, “хотун”, “хоним” сўзларининг кўплиги синиқ кўплик қолипи асосида ясалган, яъни “хоқон” ва “хотун” сўзлари “фаваъиилу” вазнида, “хоним” сўзи эса “фаваъиилу” вазнида ясалган. Мисол: “хоқон” – خاقان кўплиги – خواقين; “хотун” – خاتون кўплиги – خواتين; “хоним” – هانم кўплиги – هوانم .

Шунингдек, синиқ кўплиги “афъаалун” ва “фаълаану”

колипида ясалган ўзлашмаларни ҳам учратамиз. Мисол учун *كور* “қўр” сўзининг кўплиги шу икки вазнда ясалган- *اكوار* - *كيران*. Бу сўзда ҳам товушлар ўзгариши ҳодисаси кузатилади, яъни “қ” товуши “к” бўлиб ўзлашган.

Булардан ташқари ўзлашган туркий сўзлар соф арабий сўзлар билан сўз бирикмаси ҳосил қилган ҳолатлар ҳам кўп учрайди. Масалан, “бош” сўзи араб тилидаги “ муҳандис” ёки “котиб” сўзлари билан бирикиб, *باش مهندس* - *باش كاتب* “бош котиб”, “бош муҳандис” каби сўз бирикмалари пайдо бўлган.

Ўзлашма сўзнинг семантик торайишига мана шу “бош” сўзини олсак. Бу сўз туркийда 1.Тананинг бўйиндан юқориги (одамда) ёки олдинги(хайвонда) қисми; калла. 2. *кўчма.с.т.* Ақл-хуш, мия. *Бош билан иш қилмоқ.* 3. Бошлиқ, раҳбар. *Яхши йигит давранинг боши.* 4. *сфт.* Бошчилик, раҳбарлик қилувчи, энг катта ёки юқори. *Бош врач. Бош агрном.* 5. *сфт.* Энг муҳим, асосий. *Бош масала. Бош сабаб.* 6.*сфт.* Энг олдинги, биринчи. *Бош бола. Бош келин.* 7.*кўчма. с.т.*Одам, киши. *Бир бошга, бир ўлим.* 8. (*снқ сонлар билан*) Чорва хисобида ҳар бир адад жонивор.*Ўн бош от. Икки бош қўй.* 9.Тик нарсаларнинг тепа қисми, учи, чўққиси. *Шамол бўлмаса, дарахтнинг боши қимирламайди.* 10. Баъзи ўсимликларнинг калла ёки чанок шаклидаги ҳосили, меваси. *Бир бош узум. Бир бош карам.* (ЎТИЛ, 1-том, 36-137- б.) ва ҳ.к.з. Араб тилига бу сўз “бошлиқ, раҳбар” маъносидагина ўзлашган.

Бу ҳодисага *тутун* сўзи ҳам мисол бўлади. ЎТИЛ да бу сўзга шандай таъриф берилган: 1. *Тутун* – бирор нарса ёнганда ҳавога ажралиб чиқадиган майда зарралардан иборат газсимон моддалар мажмуи. Масалан, *папирос тутуни. Уй тутунга тўлди.* 2. Тутун пули *тар.* Хонодон эгасидан яшаб турган жойи учун олинадиган солиқ. *Тутуни чиқди, тутун кўтармоқ* (ЎТИЛ. 2- том, 234- б.) Бу сўз араб тилига *تتن* - “табак” (АРСл. С. 99.) маъносида ўзлашган. Бундай ҳолатга тилшуносларимиз куйидагича таъриф берганлар:

“Сўзларининг маъно торайиши маъно кенга-йишининг зид ҳолати бўлиб, умумийликни англаган сўзнинг хусусийликни ифодалашидан келиб чиқади” [7].

Ўзлашма сўзларнинг семантик кенгайишига “соғ” сўзи мисол бўлади. Бу сўз туркийда 1. Касали йўқ, сихат-саломатлиги яхши; соғлом. *Соғ тиш. Соғ танда, соғлом ақл. 2.диал. Ўнг. Соғ қўл.* (ЎТИЛ. 2- том, 73- б.) Араб тилига бу сўз 1. здоровый, нормальный; 2. настоящий, неподдельный; 3. полноценный, полновесный. 4. Майор (АРСл. С. 426). Айнан шу сўзда биз ўзлашмаларнинг умуман янги маъно касб қилишини кузатамиз. Масалан, “майор” - ҳарбий унвон.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бирор бир тилнинг луғат таркибини, бойлигини ўрганишда сўзларнинг этимологиясини билиш, асл ва ўзлашма сўзларни ажратиш жуда муҳимдир. Шунингдек, бошқа тиллардан ўзлашмаларни араб тилига кириб келганлигидан кўриниб турибдики, араб тили тараққиётида бошқа халқларнинг лисоний таъсири, хусусан, лексик қатламда яққол кўзга ташланган.

Араб тилига ўзлашган туркий сўзлардан намуналар [8]

1. باى - бей (титул), богатый человек. АРСл. С. 54.; ЎТИЛ, 1- том, 126- б.
2. باش - главный, старший. АРСл. С. 53.; ЎТИЛ, 1- том, 136- б.
3. باشа - паша (титул). Ўша жойда.
4. بيك – бек, бей. АРСл. С. 53; ЎТИЛ, 1-том, 136- б.
5. بلقر – Балқар (атоқли от) – “балқимоқ” феъл ўзагидан олинган.
6. (بوغاز-بواغيز)-1. пролив, проход; 2. гавань, порт. АРСл. С. 92; ЎТИЛ, 1-том, 169- б.
7. بمباغ (ات) -галстук. АРСл, С. 86; ЎТИЛ, 1-том, 168- б.
8. تتن - АРСл. С. 99; ЎТИЛ. 2- том, 234- б.
9. خان –1. хон; 2. гостиница, постоялый двор. АРСл. С. 208; ЎТИЛ, 2- том, 331- б.
10. خواقين – خاقان – государь, властелин. АРСл. С. 208; ЎТИЛ, 2- том, 335- б.
11. هانم – هانم – дама. АРСл. С. 843; ЎТИЛ, 2- том.

12. خواتين – خاتون – госпожа, знатная дама. АРСл. С. 208; ЎТИЛ, 2- том, 334- б.
13. خنجر–خنجر- кинжал, ханжар. АРСл. С. 239; ЎТИЛ, 2- том, 316- б.
14. خندق- траншея, окоп. АРСл. С. 239; ЎТИЛ, 2- том, 315- б.
15. دولمة- долма, дулма. АРСл. С. 269; ЎТИЛ, 1- том, 242- б.
16. صاغ– 1. нормальный; 2. здоровый; 3. майор. АРСл, С. 426; ЎТИЛ, 2- том, 73- б.
17. قاونونە (ات) – قاونون –қовун. АРСл. С. 617; ЎТИЛ, 2- том, 591- б.
18. قاورومە – жареное мясо, кавурма. АРСл, С. 617; ЎТИЛ, 2-том, 591- б.
19. قمشة- хлыст, кнут. АРСл. С. 658; ЎТИЛ, 2- том, 548- б.
20. قندس - قندز – бобр. АРСл. С. 660; ЎТИЛ, 2- том, 620- б.
21. قنراق- قنراق- ложа, приклад (оружия), лафет (орудия). АРСл. С. 660; ЎТИЛ, 2- том, 637- б.
22. قالوش - كالوش- голаша. АРСл. С. 672; ЎТИЛ, 1- том, 360- б.
23. كوريك – лопата (курак). АРСл. С. 704; ЎТИЛ, 1- том, 406- б.
24. كور - (اكار- كيران) – кузнечная печь. АРСл. С. 703; ЎТИЛ, 2- том, 639- б.
25. كورة- район, область, округ. Ўша жойда.
26. باقة - воротник (ёка). АРСл. С. 916; ЎТИЛ, 1- том, 265- б.
27. ياميش - 1.еда; 2.сухие фрукты (орехи, изюм).АРСл. С. 916; ЎТИЛ, 1- том, 27- б.
28. كوبريك - кўприк (Миср халқ тилида).
29. ملتق - милтик (Миср халқ тилида).
30. بوش - зря, попусту (халқ тилида).

Асарлар:

- [1] Общее языкознание, форма существования, функция и история языка. М., С.10.
- [2] У.О. Найраха. О семантической структуре языка. Киев, 1979. С.107–108.
- [3] Аҳмад ас-Саид Сулаймон. Луғат фи хидмати-л-муъжами-л-кабир. // Мажалла муъжам ал-луға ал-арабиййа. Қоҳира, 1987. 10- б.
- [4] Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1976. 62- б.

[5] *Аҳмад ас-Саид Сулаймон*. Кўрсатилган асар, ўша ерда.

[6] *К.К. Маковский*. Теория лексических абстракций. М., 1974.

[7] *М. Мирзаев, С. Усмонов*. Ўзбек тили. Тошкент. 26- б.

[8] Фойдаланилган луғатлар:

Али ибн Ҳодийа, Ҳусайин ал-Балиш. Ал-комус ал-жадид ли-т-туллаб. Тунис, 1985.

Ан-Наъим (арабча-ўзбекча луғат). О. Носиров таҳрири остида. Тошкент, 2003.

Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. М., 1985.

Борисов В.М. Русско-арабский словарь. М., 1967.

Луис Маълуф. Ал-мунжид фи-л-луғати. Иерусалим, 2003.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., 1981.

Я Н Г И Т У Р К И Й Т И Л Л А Р У С Т И Д А Г И
И З Л А Н И Ш Л А Р

ЧОРВА МОЛЛАРИГА ЎХШАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ
ҲОЛДА КЕЛИБ ЧИҚҚАН ТУРКЧА ДЕЙИМЛАР

ХАЙРУЛЛА ҲАМИДОВ

Э ʼ т и б о р қ а р а т и л а ё т г а н м а с а л а л а р :

Чорвачилик билан боғлиқ анатомик билимларнинг турк халқ мақол, маталлари ва ибораларда акс этганлиги.

Чорвачилик билан боғлиқ мақол ва ибораларнинг инсонга хос хатти-ҳаракатлар, турли ҳолатлар, ташқи қиёфа ва кишилар орасида юзага келувчи турли муносабатларни образли ифодалашга хизмат қилиши.

Туркий тилларда чорвачилик билан боғлиқ мақол ва ибораларнинг юзага келишига чорва моллари ва уларнинг тана аъзолари номи, хатти-ҳаракатлари ва бошқа ўзгачаликларнинг асос олинганлиги.

Сўроқ гап шаклидаги айтимларнинг ўзига хослиги.

Турк тилида *deyimler* деганда мақол ва турғун бирикмалар тушунилади. Туркча дейимларнинг каттагина қисми чорвачилик тарзи билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан. Ушбу мақолада *қўй (koyun)*, *эчки (keçi)*, *сигир (inek)*, *от (at)*, *туя (deve)* сингари чорва моллари билан боғлиқ туркча дейимлар таҳлил этилди [1].

Халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан фарқли ўларок минг йиллар давомида деярли ўзгармай келган чорвачилик ва бу соҳа билан боғлиқ лексика фразеологик бирликларда асосий компонент сифатида ўрин олган. Қисқа бир ифода билан айтганда, чорва молларига хос хусусиятлар, улар билан боғлиқ ҳар қандай тушунча фразеологик бирликларнинг юзага келишига муҳим омил бўлган. Масалан, *öküz altında buzağı aramak* (хўкизнинг тагида

бузоқни қидирмоқ) иборасидан ‘бир нарсани бўлиши мумкин бўлмаган жойдан қидирмоқ’, ‘ҳар қандай хайрли ишнинг тагидан бир нуксон қидирмоқ’, ‘турли баҳоналарни рўкач қилиб бир инсонни айбламоқ’ маънолари англашилади (ўзб. қилдан қийиқ қидирмоқ).

Олиб борилган кузатишлар чорвачилик билан боғлиқ мақол ва ибораларнинг инсонга хос хатти-ҳаракатлар, турли ҳолатлар, ташқи қиёфа ва кишилар орасида юзага келувчи турли муносабатларни образли ифодалашга хизмат қилишини кўрсатмоқда.

Фразеологик бирликларни ўрганиш жараёнида яна шу нарса кўзга ташландики, туркий тилларда чорвачилик билан боғлиқ мақол ва ибораларнинг юзага келишига чорва молларининг номлари, уларнинг тана аъзолари, хатти-ҳаракатлари ва бошқа ўзгачаликлари асос олинган.

Инсон хўжалик юритиш чоғида уй ҳайвонларининг яшаш тарзини ўрганган ва ўз тажрибалари асосида буни тафаккурида қайта яратган. Масалан, уйдаги ҳайвонни зимдан кузатган чорвадор, уй ҳайвонларининг “бир-бирини хидлаши” ва “тил топишиши”ни англаган ва бу ҳолатни инсонга нисбатан қўллаган. Масалан, *İnsanlar konuşa konuşa, hayvanlar koklaşa koklaşa* мақолининг маъноси қуйидагича: “инсонлар бир-бири билан гаплашиб, тортишиб, бир қарорга келиб олишади”, яъни тил воситасида мулоқот, мулоқот воситасида эса хулоса чиқарилади, келишиб олинади.

Чорва молларининг номлари асосида қурилган мақол ва иборалар сирасига биринчи навбатда *kouyn* (қўй) сўзи асосий компонент бўлиб келган мақол ва ибораларни киритиш мумкин. Бунинг боиси туркий халқлар қўйнинг гўшт-ёғи, териси, жуни, сутидан кенг фойдаланишган. Масалан, *Çobansız kouyuni kurt kapar* (Чўпонсиз қўйни бўри қонади) (*eïdu*) мақолида “эгаси бўлмаган юртнинг душманлар томонидан эгалланиши” таъкидланган бўлса, *Ak köpeğe kouyn diye sarılma* (Оқ итни қўй деб бағринга босма) мақолида

“яхши билан ёмон, душман билан дўстнинг фарқини англаш зарурлиги” уктирилади. Нимага айнан *ak köpek (oқ um)?* Чунки, Туркияда боқиладиган қўйларнинг жуни, асосан, оқ рангда бўлади. Шунингдек, “ҳар кишининг ўз қилмиши учун ўзи жавоб бериши” *Her koyun kendi bacağında asılır (Ҳар қўй ўз оёғидан осилади)* мақоли воситасида таъкидланади.

Чорвачилик билан боғлиқ ҳолда яралган маталларнинг сони ҳам талайгина. Масалан, *Böyle bir koyunun bu kadar yoğurdu olur (Бунақа қўй сундан қилинган қатиқ бошқача бўлиши мумкин эмас)* маталининг маъноси: “Бу одамнинг бўлгани шу, бошқача (бундан яхшироқ) бўлиши мумкин эмас” дир.

Мақолларда *koyun (қўй)* сўзи билан бир қаторда *коқ (қўчқор)* сўзи ҳам асосий бўлак бўлиб келиши мумкин: *Alim yaşadıkça коқ olur, sahil yaşadıkça hiç olur (Олим яшаган сайин қўчқор бўлади, жоҳил яшаган сари йўқолиб бораверади)*. Мақолда *коқ (қўчқор)* сўзи куч-қудрат, мардлик рамзидир. Мақолнинг маъноси: “Ҳақиқий олим киши қанчалик кўп умр кўрса, давлатига, халқига шунчалик кўп фойда келтиради, унинг билими юксалиб бораверади, жоҳил кишилардан эса жамиятга ҳеч қандай фойда келмайди, умри бекор ўтади, номи ўчади”. *Коқ (қўчқор)* сўзи қатнашган яна бир матал: *Коқа боунизи үйк деғил (Қўчқорга шохи юк эмас, яъни “қеракли тошнинг оғири йўқ”)*.

Койун (қўй) сўзи мақол ва ибораларда *kuzи (қўзи)*, ҳатто *kurban (қурбонлик)* шаклида умумлашиб ҳам қўлланиши мумкин [2]: *Коқ olacak kuzиya bıçak salınmaz (Қўчқор бўладиган қўзининг бўғзига пичоқ тортилмайди)*. Маъноси: “Агар инсоннинг пешонасига узоқ яшаш, порлоқ келажак ёзилган бўлса, у бунга эришади, ҳеч нарса бунга раҳна сола олмайди”. Ёки *Kuzudan post ауидан dost olmaz (қўй терисидан пўстак, айиқдан дўст бўлиши мумкин эмас)*. Баъзан, *kuzи* сўзи ибораларда ‘қўзичоқ’ маъносида ҳам келиши мумкин: *anasının kuzusu (онасининг қўзичоғи, яъни “эркатой фарзанд”)*

ва ҳ.

Турк тилида машҳур бўлган *Tekkeye gelen kurbanın zayıfına semizine bakılmaz* (Тақкага келган қурбонликнинг ориқ-семизлигига қаралмайди, яъни “Ҳеч қандай бадал тўланмасдан қўлга теккан нарсанинг камчилигига қаралмаслиги керак”. Умуман, *kurban* (қурбонлик) деганда қўй (қўчқор) ёки қора мол тушунилади. Ушбу мақолга синоним сифатида *Hediyelik atın dişine bakılmaz* (Ҳадяга келган отнинг тишига қараши керак эмас) шакли ҳам қўлланади.

Чорвачилик билан шуғулланувчи халқ хайвонлар орасидаги муносабатларни ҳам синчиклаб кузатган. Кучли хайвонларнинг заифларига “кун бермай” келиши, масалан, бўрининг ҳар доим сурувларга хавф солиб туриши чўпонларнинг нафратини кўзгаб келган. Бундай нохуш ходисалар уларнинг нутқида акс этган ва кейинчалик, сайқалланиб, халқ тилига ўтган ва кенг тарқалган: *aç kurt gibi saldırmak* (оч бўри каби ташланмоқ). Мақол ва ибораларда хайвонларнинг ҳам бир-бирига кушанда бўлиши, жумладан, қўйнинг душмани бўри, товукники – тулки ва ҳ. Бўлиши таъкидланган. Масалан: *Ölmüş koyun kurttan korkmaz* (Ўлган қўй бўридан қўрқмас). Ушбу мақолнинг маъноси: “инсон бу дунёдан ўтгандан кейин ҳеч нарсдан қўрқмайди”. Ўзбек тилида бунга яқин маъноли ‘Бир бошга бир ўлим’, ‘Ўлар ҳўкиз болтадан қайтмас’ маталлари бор.

Мақол ва ибораларда, *koyun* (қўй) сўзи билан бир қаторда *keçi* (эчки) ёки *oğlak* (улоқ, улоқча) сўзи ҳам қўлланади. Масалан, *Sakal keçide de var* (соқол эчкида ҳам бор) айтимини икки хил тушуниш мумкин: 1) кишининг мансаби ҳеч нарсани белгиламайди, чунки илгари ёш, лекин мансабдор бўлган кишилар ҳам соқол қўйишган; 2) кишининг ёши ҳеч нарсани белгиламайди, яъни кекса бўлгани билан баъзи ёшлар қадар ақлли бўлмаслик мумкин. Ушбу мақол ўзбекча *Ақл ёшда эмас, бошда* мақолига мос келади.

Туркча *Ağilda oğlak doğsa, ovada otu biter* (Оғилда улоқча туғилса, яйловда ўти битар) мақолининг маъноси “агар оилада бир фарзанд дунёга келса, албатта худо унинг ризқини беради” бўлиб, *Оғилда улоқ туғилса, яйловда шuvoқ битади* унинг ўзбекча муқобили ҳисобланади. Яна бир матал: *Kasap yağ derdinde, keçi can derdinde* (Қассобга ёғ қайғуси, эчкига жон қайғуси, яъни “ҳамма ўз манфаати учун овора, бировнинг дарди билан бошқасининг иши йўқ”). Ушбу мақолнинг турк тилидаги яна бир варианты: *Kasap yağ derdinde, koyun can derdinde* (сўзма-сўз таржимаси: Қассобга ёғ қайғуси, қўйга жон қайғуси) каби.

Чорвачилик билан боғлиқ мақол ва ибораларда *inek* (*sugur*), *sığır* (қорамол) ва *öküz* (ҳўкиз) сўзлари ҳам асосий бўлак вазифасини бажаради: *Süzeğen ineğe Tanrı boynuz vermez* (Сузагон сугурга Тангри шох бермайди, яъни “ёмон ниятли кишиларга тангри ёмонлик қилишга имконият бермайди”). Ёки: *Öküz öldü, ortaklık ayrıldı* (Хўкиз ўлди, шерикчилик барҳам топди, яъни “кишиларни шерикликда бирлаштириб турувчи нарса ишлаб чиқариш воситалари ҳисобланади, агар бундай восита яроқсиз ҳолга келса, унда манфаатли шериклик барҳам топади”). Ушбу маталда қўлланилган *öküz* (ҳўкиз) сўзининг луғавий маъноси “фақат илгарилари ер ҳайдашда қўлланилган, бичилган бука”дир. Шунингдек, *İyiliğe iyilik olsaydı, koca öküze bıçak olmazdı* (Яхшиликка яхшилик бўлганда, девдай хўкизнинг бўёзига пичоқ тортилмасди).

Öküz (ҳўкиз) сўзи иштирок этган сирадаги мақол: *Öküz yere düşünce kasap çoğalır* (Хўкиз йиқилиши билан қассоб кўпаяди, яъни “оғир иш ниҳоясига етгач, уни бажараман деган одам кўпаяди”). Бу мақолнинг маъноси ўзбекча “Ёв қочса, ботир кўпаяди” мақоли маъносига яқиндир.

Камбағаллик ҳам маталларга мавзу қилиб олинган. Уларда камбағал кишининг ҳаётда ҳеч ҳам омади келмаслиги образли қилиб берилади: *Fakir tezeğe çıkmış da, sığır suya*

sıçtış (Камбағал тезакка чиқибди-ю, мол тезагини сувга ташлабди). Ушбу матал маъно жиҳатдан ўзбек тилидаги Камбағални туянинг устида ит қонади маталига яқин туради.

Юқорида таъкидлангани каби, мақол ва ибораларда чорва молларининг номлари умумлаштирилиб ҳам берилади. Масалан, қорамолларнинг номлари умумлаштирилиб, *siğir, hayvan* ёки *dana* (*dana eti* – мол зўшти) шаклида берилади: *Dek duran danayı sanavar yemez* (Тек турган молга ҳеч қанақа ваҳший ҳайвон ташланмайди). Ушбу мақол воситасида ёмонликка қарши қизиққонлик қилмаслик, оғир-вазмин бўлиш кераклиги уқтирилади.

Турк тилида *dana* сўзи бузоқ маъносиди ҳам қўлланади. Буни сўроқ гап шаклидаги *Anasını sağdım da, danasını aç mı bıraktım?* (Онасини соғдим-у бузогини оч қолдирдимми?) айтими мисолида кўриш мумкин. Бу “бир нарса олган бўлсам, бадалини тўлаганман” дегани бўлади.

Сигирнинг тана аъзолари номи асосий бўлак бўлиб келган туркча иборалар ҳам бор. Булар сирасига Туркиянинг чекка вилоятларида қўлланадиган *temesinden alıp boynuzuna sürmek* (елинидан олиб шохига сурмоқ) иборасини киритиш мумкин. Бу иборанинг маъноси ‘бир инсонга унинг ўз моли, пули билан ‘сахийлик қилиш’дир.

Чорва молининг хатти-ҳаракатлари асосида ҳам қатор иборалар юзага келган. Масалан, сигирнинг қочишдан олдин ‘думини хода қилиши’ *kuuruğu dim dik* (думи тун-тикка) иборасида таъкидланиб, инсоннинг ‘тўқликка шўхлик қилиши’ образли равишда нутқда ўз ифодасини топганю Бунда ҳайвонга хос хатти-ҳаракат ва хусусиятлар инсонга хос хатти-ҳаракатлар билан уйғунлашиб, кўчма маъно касб этган.

Турклар азалдан отга меҳр қўйган. Шунинг учун от билан боғлиқ ибора, матал ва мақоллар ҳам анча. Масалан, *Yağmurda dostun atı, düşmanın koyunu satılsın* мақолида ана шу нарсага урғу берилган: Ёғмирда дўстнинг оти, душманнинг

қўйи сотилсин, чунки ёғмир остида турган отнинг танаси ялтираб, янада кўркамлашади, нархи ҳам ошади, қўйнинг эса жуни баданига ёпишиб, озғинлиги билиниб қолиб, нархи пасайиши мумкин. Отга бўлган эътибор *Atın iyisini genç, kadının iyisini ihtiyar alır* (Отнинг яхшисини ёш, хотиннинг яхшисини кекса олади), *At ölür meydan kalır, yiğit ölür şan kalır* (От ўлур майдон қолур, йиғит ўлур шон қолур), *Meydan vardı at yoktu, at var meydan yok* (Майдон бўлганда от йўқ эди, от бор, лекин энди майдон йўқ) каби халқ мақолларда ўз ифодасини топган. Бу мақолларда “яхши, чопқир от” бадий воситадир.

At ver dost ol, kız ver düşman ol (От бер дўст бўл, қиз бер душман бўл) мақолида отнинг дўстлик рамзи эканлиги, қуандалар орасидаги муносабатлар ҳар доим ҳам яхши бўлавермаслиги, бунинг жуда мушкул масала эканлигига урғу берилади.

От рамзи орқали кишилар орасидаги муомала-муносабатлар ҳам акс этади. Самимий дўстлик, яқинликни бузишга ҳаракат қилиш, инсонлар орасига араз солишга уриниш *atı arpayı küstürmek* (отни арпага аразлатмоқ, яъни “бир инсонни унинг энг яхши кўрган нарчаси, кишиси билан карама-қарши қилиб қўймоқ”) ибораси орқали ифода этилади. Бу ибора, ўғли билан келинини аразлатиб қўювчи қайноналарга қарата айтилган.

Чорвачилик мавзуидаги маталларда кишилар орасидаги муносабатлар, моддий манфаатлар ҳам асосга олинган. Масалан, *Boş torba ile at tutulmaz* (Бўш тўрва билан отни тутиб бўлмайди) матали ўзбек тилидаги *Қуруқ қошиқ оғиз йиртар*, *Мингта ‘сиз-биз’дан бита ‘жиз-биз’ яхши* маталларига тўғри келади. Ёки *Döven beygirinin ağzı bağlanmaz* (Сомон янчаётган отнинг оғзи боғланмас) маталида “моддий неъматлар ичида юрган, пул ишлари билан машғул бўлган одам, истаса-истамаса, ундан фойдаланиши” таъкидланса, *Çok arpa atı çatlatır* (Кўп арпа еган от ёрилиб

ўлади) маталида “шакарнинг ози яхши” бўлиши урғуланади.

От сўзи иштирок этган мақол ва маталлар маиший-турмуш мавзуида айтилган ёки тарбиявий аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Уларнинг сирасига қуйидагилар киради: *Karının kötüsü geceyi, atın kötüsü yolu uzatır* (Хотиннинг ёмони кечани узайтиради, отнинг ёмони йўлни узайтиради), *Yürük ata katçı olmaz* (Яхши юрадиган отга қамчи уриш керак эмас, яъни “Яхши отга бир қамчи”) ва х.

От сўзи қатнашган туркча айтимлар сўроқ гап шаклида бўлиши ҳам мумкин: *At olup kuşuk tu sallayacağı?* (От бўлиб думимни ликиллатишим керакми?). Бу айтимнинг маъноси қуйидагича: фақат ҳайвон бир нарсадан манфаат кутса, ‘думини ликиллатади’. Ёки бир кишига хушомад қилиш *yalın kaşımak* (‘ёлини қашимоқ’) ибораси орқали ифодаланади.

Чорвачилик билан боғлиқ мақол ва ибораларнинг яна бир қисмини туя (*deve*) сўзи асосий компонент бўлиб келган фразеологик бирликлар ташкил этади: *Deveye sormuşlar: “Neden boynun eğri?”*, *Deve demiş: “Nerem doğru ki?”* (Туядан сўрашибди: “Нега бўйнинг эгри?”, туя дебди: “Қаерим тўзри?”). Маъноси: инсоннинг табиий камчиликларини айтиб, уни камситиш керак эмас, унинг бўлгани шу. Қолверса, туя қинғир-қийшиқ бўлса ҳам, аҳмоқона саволга оқилона “жавоб берган”.

Бир ишнинг ими-жимиди бажарилиши *ne deve yürüsün, ne de çan seslensin* (на туя юрсин, на қўнғироқ жирингласин) ибораси орқали ифода этилади. Бу иборанинг юзага келишига карвонда юрадиган туя ва унинг бўйнига осиб қўйиладиган қўнғироқ асос олинган. Туя юриб кетаётганда, қўнғироқ жиринглайди, тўхтаганда эса – жирингламайди. Маъно кўчиши натижасида ушбу ибора “ишни ими-жимиди, энг ичида амалга оширилиши”ни билдиради. Ёки *deve nalbanta bakar gibi bakmak* (туя тақачига қарагандай қарамоқ) ибораси ҳам тўла кўчма маънода қўлланади. Туя

тақачига ҳеч қачон яхши кўз билан боқмайди. Нафрат кўзи билан қарайди.

Баъзи айтимлар сўроқ оҳангида қўлланишлари билан янада таъсирчанроқ ифода этилиб, халқнинг тарихини, миллий колоритни ўзида акс эттириш билан бир қаторда тилнинг синтактик ўзига хосликларини намоён этади. Бунга *devede kulak* (туяда қулоқ, яъни ‘денгиздан томчи’) иборасига асосланган *Deve kadar güydün de, kulağı kadar güyemedin mi?* (Туядай сабр этдинг-у, қулогичалик, сабр эта олмадинг-ми?) айтимини мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу айтимнинг ўзбек тилидаги муқобили *қирқига чидадинг-у, бирига чидай олмадинг-ми?* бўлади.

Туя (*deve*) сўзи асосий компонент бўлиб келган фразеологик бирликлар сирасига *pireyi deve uartrak* (бургадан туя ясамоқ, яъни “бир нарсани бўрттириб, муболага билан гапириш”, ўзбекча муқобили *пашшадан фил ясамоқ*) иборасини ва *Ya bu deveyi güderiz, ya bu diyardan gideriz* (Ё бу туяни боқамиз, ёки бу диёрдан бош олиб кетамиз, яъни “ё бу ишни ниҳоясига етказамиз ёки умуман воз кечиб, бошқа иш билан шуғулланишга тўғри келади”) айтимларини ҳам киритиш мумкин.

Туркча дейимларда *eşek* (*эшак*) сўзини бошқа ҳайвон номларидан кўра кўпроқ қўлланиди. Унга хос баъзи салбий хусусиятлар мақол ва ибораларга асос қилиб олиниб, маъно кўчиши, мажоз йўли билан инсондаги салбий иллатларни қоралаш учун қўлланган. Яна шуни таъкидлаш керакки, мақол ва ибораларда эшакни қайсар, бефаросат ҳайвонлиги таъкидланар экан (*Eşeğe söz, koktuşa tuz hayretmez.* - Эшакка сўз, бузилган (гўшти)га туз таъсир қилмайди), унинг кундалик турмушда қанчалик фойдали эканлиги, ҳар қандай оғир меҳнатга бардошли эканлигига урғу берилган: *Eşeğin eti harat uaptıkları helal* (эшакнинг гўшти ҳаром, аммо меҳнати ҳалол). Ёки *Eşek kurban olmaz, ama bedeli (pahası) olur* (эшак қурбонликка ярамайди, лекин баҳоси (қиммат) бўлади)

маталида ҳам эшакнинг меҳнати туфайли қимматга эга экани таъкидланади.

Туркча маталларда эшакнинг фақат меҳнат учун яратилгани унинг “ўз оғзидан айтилган” сўзлар билан ҳам берилади. Масалан: *Eşeği düğüne çağırmışlar: “Ya odun eksik, ya su”- demiş* (Эшакни тўйга таклиф қилишибди, шунда у “Ё ўтин кам, ё - сув” – деб хаёлидан ўтказибди). Ёки *Eşeğe: “Sırtan oldu” demişler, “Sırtımdan yükümü alacak değil ya, önümden yemimi alacak” demiş* (Эшакка “болали бўлдинг” дейишганда, эшак: “Сиртимдаги юкимни олмайди-ку, олдимдаги емимга шерик бўлади” – деб жавоб берибди). Бундай маталлар халқнинг қанчалик сўзга чечанлигини ва тилнинг кенг имкониятларини яна бир бор намоиш қилади.

Мақол ва иборалар образли ифода воситалари бўлиб, асосан, кўчма маънода қўлланади. Масалан: *Yük altında eşek apırtmaz* (Юк остида эшак ҳанграмас). “Устига оғир юк ортилган эшакнинг ханграмаслиги” кўчма маънода “Инсон меҳнат билан қанчалик банд бўлса, шунчалик кам гапиради, кераксиз фаолиятлар билан шуғулланишга вақт топа олмайди” дегани бўлади.

Мақол ва иборалар бадийлик касб этиб, ҳар доим зулм, ёмонликни қоралаш, эзгуликни шарафлаш воситаси бўлиб хизмат қилган. Масалан, *eşek* сўзи асосий бўлак бўлган мақол ва ибораларда ҳам инсонлар орасидаги муносабатлар ифодаланиб келади. Туркча *Alçak eşek binmeye kolay, öksüz çosuk dövmeye kolay* (Пакана эшакни миниш осон, етим болани уриш осон) маталида ҳам “эшакнинг паканалиги” эмас, етим боланинг ҳимоясиз эканлиги, диёнатсиз кишилар бундай болаларни бемалол таҳқирлай олиши таъкидланиб, бунинг ёмонлик эканлигига эътибор қаратилади. Шунингдек, инсонларнинг бошқалар учун астойдил жон куйдирмаслиги ёки ёрдамни кўл учида қилиши *El elin eşeğini türkü çığırarak arar* (Биров бировнинг эшагини ашула айтиб (хуштак чалиб) қидиради) айтимида ўз ифодасини топган. Ёки бировни

писанд қилмаслик, уни аҳмоқ ўрнида кўриш *eşek yerine koymak* (эшак ўрнида кўрмоқ) иборасида ўз ифодасини топган.

Айрим кишиларга гап кор қилмаслиги туркчада *Bülbülü bir fiskeyle susturabilirsiniz, fakat soraya davransanız bile eşeği anırmaktan men edemezsiniz* (Булбулни бир кичик чўн билан жим қилиши мумкин, лекин эшак бир ҳанграйдиган бўлса катта калтак билан ҳам овозини ўчириб бўлмайди) афористик бирикмасида ўз ифодасини топади. Яхши нарсанинг фарқига бормаслик *Eşek ne anlar hoşaftan, suyunu içer, denesini bırakır* (Эшак компотнинг нималигини қаердан билсин, сувини ичади, донини ташлаб юборади) айтимида акс этади.

Эшакнинг отга қараганда секин юриши (шошмай ҳаракат қилиши) ҳам туркча мақол ва ибораларда алоҳида таъкидланади. Масалан, *Çocuklu avrat, sıpalı eşek ile yola gidilmez* (болали аёл, ёнида хўтиги бор эшак билан узоқ йўлга бориб бўлмайди) деганда, уларнинг болалари тез ҳаракат қилишларига халакит қилиши, *Göç geri dönerse topal eşekli öne düşer* (кўч орқага қайтар бўлса, чўлоқ эшак минган киши кўчнинг бошига тушиб қолади) мақолида ҳам эшакнинг секин юривчи ҳайвонлигига урғу берилади. Ёки *eşek sudan gelinceye kadar* иборасининг маъноси жуда узоқ вақт демакдир.

Айрим кишиларнинг калтафаҳмлиги “эси паст” товукқа киёсланади, кишига салбий сифат берилганда ана шу паррандага нисбат берилади. Масалан, *Hangi kuş beyinli düzmiş bunu...* (Қайси товук мияли тузибди буну...) гапида қўлланилган *kuş beyinli* (қуш мияли) иборасининг маъноси “эси паст, жиддий нарсага ақли етмас киши” демакдир. Бунда *kuş* деганда товук кўзда тутилган. Етти хазинанинг бири бўлган қуён ва унинг тана аъзолари, хусусан, қулоғи ибораларда асосий компонент вазифасида келади. Масалан, *kulak kabartmak* (қулоғини қабартирмоқ, яъни қуённинг ҳаракатига қиёс олинган қулоқларини диккайтирмоқ) ва *kulak*

diktek (қулогини тик қилмоқ) иборалари шулар жумласидандир: *Tavşan gibi kulaklarımı dikmişim* – Кулоқларимни қуёндай динг қилиб олдим. Бу гапдаги *kulak diktek* (қулоқларини динг қилмоқ, диккайтирмоқ) ибораси бир нарса ни тўсатдан эшитиб қолиб, шубҳаланиб, аниқроқ эшитиш учун диққатни жамлашни билдиради.

Ҳайвонот дунёси билан боғлиқ мақол ва ибораларнинг ажралмас қисми ҳисобланган чорвачилик мавзусидаги иборалар қай маънода айтилган бўлмасин, натижада инсоннинг ақли, тафаккури, эътиқоди, ҳис-туйғуси, ахлоқи, ташқи кўриниши, хатти-ҳаракати, атрофдаги инсонлар билан муносабатларини ифода этади. Мақол ва иборадаги образ марказида инсон ва уни ўраб турган олам туради. Барча мавжудот, предмет, тушунчаларнинг мақол ва иборалар негизини ташкил этишининг асосий сабаби шудир.

Асарлар:

- [1] Мақол ва иборалар куйидаги асарлардан олинди:
O.A.Aksoy. Deyimler Sözlüğü, 2. Dizin ve Kaynakça, 4. Baskı, Türk Dil Kurumu Yayınları. Ankara, 1984.
Bölge Ağızlarında Atasözleri ve Deyimler, 2. cilt. Ankara, 1996.
H. Adıgüzel. Deyim Hazinemiz, Açıklamalı - Örnekli Türkçe Deyimler Sözlüğü. İstanbul, 1990.
Türk tilidan amaliy mashg'ulotlar uchun matnlar (Türkçe Pratik Dersler İçin Metinler). Tuzuvchi X. Hamidov. Toshkent, 2007.
Büyük Rusça-Türkçe Sözlük. Moskva, "Russkiy yazık", Multilingual, İstanbul, 1995.
Büyük Türkçe-Rusça Sözlük, Moskva, "Russkiy yazık", 1977. Multilingual, İstanbul, 1994.
Türkçe Sözlük. TDK, 9. Baskı, 1.–2. Ciltler. Ankara, 1998
R.N. Güntekin. Çalıkuşu. 38. Baskı, İstanbul, 1995.
P.H. Гунтекин. Чоликуши. М. Исмоилий таржимаси. Тошкент, 2002
F. Baysal. Sarduvan. İstanbul, 1993.
- [2] Мақол ва ибораларда кўпинча чорва молларининг аниқ

номлари келтирилади, аммо баъзан улар умумлаштирилиб ҳам берилади. Масалан, корамолларнинг номлари умумлаштирилиб, *siğır, haууаn* ёки *dana (dana eti – мол gўшти)*, қўй, қўзи, қўчқор умумлаштирилган ҳолда *kouуn* ёки *kuzu (kuzu eti – қўй gўшти)* деб айтилади.

К ВОПРОСУ О ВТОРИЧНЫХ ЗНАЧЕНИЯХ ИМЕННЫХ ФОРМ С АФФИКСОМ ПРИНАДЛЕЖНОСТИ *-m* В СОВРЕМЕННОМ ТУРЕЦКОМ ЯЗЫКЕ

ХОЛИДА ИМОМОВА

Р а с с м а т р и в а е м ы е в с т а т ь е в о п р о с ы :

Оппозиция первичных и вторичных значений именных форм с аффиксом принадлежности *-m*;

Факторы, обуславливающие вторичные значения этих форм (экстралингвистические и собственно лингвистическое);

Некоторые *способы* передачи уважения и любви, основанные на разных типах на равноправных отношений между говорящим и его собеседником.

Общеизвестно, что аффикс *-m* в современном турецком языке присоединяется к именам – существительным и местоимениям – и предназначен для выражения *принадлежности названного именем объекта некоторому лицу*, ср. например, формы *babam, kardeşim*, где имеет место соединение имени объекта обладания (*baba, kardeş*) и имени обладателя, обозначенного аффиксом *-m* [1]. При этом наряду со значением принадлежности, в них имплицитно представлены и значения ‘свой’, ‘близкий’, ср.: *babam* означает не только ‘мой отец’, но и, соответственно, – ‘близкий, свой’. Значение принадлежности является для данных форм регулярным, продуктивным и

общепризнанным. Назовем его *первичным*, но, как оказывается, далеко не единственным.

Анализ этикетных формул неофициального, непринужденного обращения к лицу свидетельствует о том, что формы имени с аффиксом *-т* могут передавать не только значение принадлежности, но и *уважения, любви, иронии, неодобрения*. Ср, например, формы *gözüm, saım*, где на первом в смысловом отношении плане находится стремление говорящего выразить близость, сердечное отношение к своему собеседнику [2]. Назовем перечисленные значения *вторичными* и постараемся определить, чем они обусловлены.

Анализ употреблений этикетных формул непринужденного обращения позволяет предположить, что вторичные значения рассматриваемых форм являются результатом взаимодействия семантики аффикса *-т* и лексического значения имени, к которому он присоединяется. Они мотивированы его *первичным* значением, и поэтому в семантическом отношении являются более сложными.

Наиболее распространёнными вторичными значениями форм с аффиксом *-т* являются значения *уважения* и *любви*; другие же, а именно *иронии* и *неодобрения* – менее частотны, поскольку их реализация требует дополнительных условий. Рассмотрим особенности выражения *уважения* и *любви* формами имени с аффиксом *-т*, реализующихся в этикетных формулах непринужденного обращения к лицу [3].

Значения *уважения* и *любви* обусловлены взаимодействием 2-х факторов: 1. *экстралингвистического*, связанного с типом отношений между говорящим и его собеседником; б. собственно *лингвистического*, к которому относятся, с одной стороны, лексическое значение имени, к которому присоединяется аффикс *-т*, с другой – влияние “скрытых” семантических категорий “близкий” и “свой”, о

которых уже упоминалось выше.

В основе экстралингвистического фактора лежит необходимость выразить 3 типа отношений: отношения *пола, возраста, общественного положения* [4].

Как отмечается в (4,с.80) каждый из этих типов отношений функционирует в виде соотношения двух составляющих, которые могут быть либо одинаковыми (один пол, возраст, общественное положение), либо разными (разный пол, возраст, общественное положение). В первом случае речь идёт о реализации равноправных отношении между говорящим и слушающим; а во втором – неравноправных. При этом адресат сообщения может быть как непосредственным, так и опосредствованным, ср, два примера:

1. *Hemen sevap verdi: Allah esirgesin, abacığım, kendimi kuyuya atarım. Kardeşlerinden ayrılacağına üzülüyor musun? Üzülmiyorum, abacığım.* (Она тут же ответила: “Аллах помилует, брошусь в яму” Ты обиделся из-за того, что расстаешься с братьями? Нет, матушка я не обижаюсь) (Ç-211), где форма *abacığım* (матушка) является показателем непосредственного уважительного обращения говорящего к собеседнику. 2. – *Firdevs canım, ciğerim, kardeşim benim* (Фирдавс, душа моя, любимая, родная моя), где адресат представлен как непосредственно (*Firdevs*), так и опосредствованно, ср. *canım, ciğerim*, поскольку речь идет об обращении к лицу, через апелляцию к другим объектам.

К лингвистическим факторам реализации вторичных значений относится прежде всего роль лексического значения имён, включающих информацию о типе отношений между коммуникантами, в значении которых содержится идея неравноправных отношений. Так, можно выделить, неравноправные отношения, основанные на различиях по полу, которые передаются именами типа *bay, bey, bayan, eş, koca* [5]. Отношения, основанные на различиях по возрасту,

содержатся в именах типа *dede – torun, nine – torun, anne – kız, baba – oğul, yavru* и.п.; – по общественному положению – *büyükelçi, bakan, müdür, patron* и т.п.

В зависимости от того, какой из указанных типов различий вовлечен в выражение отношений между говорящим и его собеседником, значения форм с аффиксом *-t* могут интерпретироваться либо как “уважение”, либо как “любовь” [6].

Значение уважения может быть основано на всех 3-х перечисленных типах различий; по полу, возрасту и социальному положению.

Уважение, основанное на различиях по полу, имеет место в отношениях между мужчиной и женщиной, ср., например: – *Bayan Gülşen’i telefona rica edebilir miyim?* (Госпожу Гулшену можно попросить к телефону?), где уважение выказано мужчиной по отношению к женщине. Возможно прямо противоположное: уважение может быть проявлено женщиной по отношению к мужчине, например: *Bay Ahmet yerindeler mi?* (Находится ли на месте господин Ахмед?)

Уважительное обращение может быть характерно и для отношений, основанных на различиях по общественному положению. Это значение также имеет двунаправленный характер и может пониматься, как отношение вышестоящего к нижестоящему и, наоборот, ср. следующие примеры: – *Büyükelçim döndüler mi?* (Возвратился ли господин посол?).

– *Sayın müdürüm, bu konuyu size bırakıyorum.* (Господин управляющий, это дело я поручаю вам).

Для современного турецкого языка характерно выражение уважения и в отношениях, основанных на различиях по возрасту. Они также могут быть двунаправленными, т.е. уважение может быть выражено старшим по возрасту по отношению к младшему и наоборот, ср. примеры: 1) *Kapıdan gireceğim vakit Hatice Hanım kolumu yakaladı: Dur kızım dedi.* (Когда я вошла в комнату, госпожа Хадиче взяла меня за

руку и сказала: ‘Подожди дочка’) (Ç-162). 2) *Evet, fakat o sizi istiyor. Demin size arkadaşlarıyla bir bahse tuttuğunu söylemek lazım geldi. Hiç böyle şey olur mu güzelim?* (Да, он просит только вашей руки. Я должна вам сказать, что он поспорил с друзьями. Дочка, разве так возможно?) (Ç-282).

Рассмотрим возможности реализации значения любви применительно к выделенным 3-м типам неравных отношений.

Чувство любви может быть представлено в рамках отношений, основанных на различиях по полу. Здесь мы также имеем дело с *двунаправленностью* в выражении этого значения, а именно: от мужчины к женщине и наоборот, ср: – *Ahmet, hayatım, akşam yemeğimiz hazır oldu, gelir misin?* – *Peki tatlım, hemen geliyorum.* (Ахмед, дорогой, ужин готов, не могли бы ты поторопиться. Хорошо, дорогая, сейчас иду).

Оно может быть основано на различиях по возрасту. К модификациям этого типа отношений можно отнести уменьшительно-ласкательное значение, которое как бы наслаивается на значение любви или порождает его. Оно может иметь место при обращении младшего к старшему по возрасту и наоборот – старшего к младшему, ср., два примера: 1) – *Zeyni Babacacığım, dedim, ben, küçük cahil bir Çalikuşundan başka bir şey değilim. Sana nasıl yalvarmak lazım geldiğini bilmiyorum.* (Дедушка Зейни, я всего лишь маленькая непросвешённая Чалыкушу. Я даже не знаю как к тебе обратиться.) (Ç-167). 2) – *Yavrum, gel de şöyle otur, konuşalım.* (Дитя моё, приди, сядь, давай поговорим)

Здесь особо следует отметить возможность опосредствованной реализации значения любви при помощи слов типа *can, hayat, ciğer, göz, çiçek, ayıcık, kuzu, koç*: *Sesin nereden geldiğini birden bire anlamıyarak durdu, arabanın içinde beni görür görmez kollarını kaldırıp, sokağın içinde avazı çıktığı kadar: ‘Vay iki gözüm, hocanım!’ diye bağırdı.* (Не поняв, о да идёт голос, остановился, ещё не увидев меня внутри кареты,

подняв руку, на весь голос крикнул: ‘О свет моих очей, учительница’) (Ç-218). *Çalığışum, benim küçük Çalığışüm, sen burada, ah ne tesaduf!* (Чалыкушу, моя маленькая Чалыкушу, ты здесь, какое совпадение!) (Ç-227). Выражение любви младшего по возрасту к старшему представлено и в примере: – *Kuzum Hatice Hanım, bana yardım et de şu pencerelerden birini açalım, kendi kendime beceremiyeceğim, galiba.* (Ягнёнок, моя госпожа Хадиче, помоги мне открыть одну из этих окон, сама одна не смогу, наверно.) (Ç-164). – *Kuzum, abacığım, gel. İkimiz yan yana aynaya bakalım, dedi.* (Ягнёнок, матушка мая, подайди. Двумя рядом будем смотреть на зеркало, сказала . (Ç-198).

Названные вторичные значения форм с аффиксом *-t* представлены в данной статье в самом общем виде. Требуется их дальнейшее уточнение. Совершенно неразработанным является функционально – стилистический аспект употребления рассмотренных форм.

Примечания:

[1] Эта точка зрения выражена, например, в Кононов А.Н. Грамматика турецкого языка. М.–Л, 1937. С. 51–52.

[2] Об этих значениях в самом общем виде упомянуто в книге *Banguoğlu T. Türkçenin grameri.* Ankara, 1986. S. 177–178, где сказано: “Местоимение принадлежности в 1-м лице с аффиксом *-t* при обращении к близким и старшим чаще употребляется в сочетании именами существительными типа *Beyim! Oğlum! Kardeşim!* при искреннем обращении к лицу: *kardeşim, canım, yavrum, şererim, güzelim*”. Это явление ещё не было предметом специального изучения. В нашей статье оно упоминается впервые.

[3] Разграничение понятий “любовь” и “уважения” осуществлено на основании словаря *Türkçe sözlük 2, Türk Tarih Kurumu Basım Evi, Ankara, 1988.* С 1289, где даны следующие значения лексемы “любовь”: “отношение к кому – либо с вниманием и преданностью: любовь к родине, любовь к детям, чувство почести и уважения”; Даются толкования следующих

значений лексемы “уважения”: “отношение к кому – либо или чему-либо, основание на стоимости, устойчивости, полезности; оказание почестей”.

Перечисленные значения легли в основу нашей предварительной классификации вторичных значений форм с аффиксом *-m*.

[4] О типах отношений, реализующихся в этикетных формулах см. *Т.В. Цивьян*. К описанию этикета как семиотической системы. // Симпозиум по структурному изучению знаковых систем. М, 1962. С. 75–80.

[5] Сюда можно отнести и слово *efendi*. Однако употребление этого слова с аффиксом *-m* и его семантический потенциал рассмотрен нами, см. *Х. Имомова*. Турк тилида *efendi* сўзининг маънолари ва услубий хусусиятлари. Ташкент, 2006.

[6] Значение иронии, неодобрения, сожаления и др. требуют отдельного рассмотрения.

ТУРК ТИЛШУНОСЛИГИДА ИШЛАТИЛАЁТГАН ОТ КАТЕГОРИЯЛАРИНИ АНГЛАТУВЧИ АТАМАЛАР

МОҲИРА МАҚСУДОВА

Э ʔ т и б о р қ а р а т и л а ё т г а н м а с а л а л а р :

Турк тилшунослигида сўз туркумларининг таснифи масаласи.
От туркумининг грамматик категорияларини англаувчи атмалар.

Турк тилшунослигида сўз туркумлари учга – от, феъл ҳамда ёрдамчи сўзларга ажратиб ўрганилади. Сўз туркумларини бундай таснифлаш араб тилшунослиги анъаналари асосида келиб чиққан. Шу ўринда от ва унинг билан боғлиқ атамаларни кўриб ўтайлик. Турк тилшунослари от туркуми учун икки – *isim* ёки *ad* атамасини қўллайдилар. От кенг маънода, яъни бир неча сўз туркумларини (от, сифат, сон, олмош, равиш) ўз ичига олувчи умумий сўз туркуми ҳисобланади. Ҳозирги кунда ҳам кўпгина тилшунос олимлар *ad* атамасини қўллайдилар. *Isim* атамаси араб тилидан

олинган бўлиб, баъзи ўринларда *ad* атамаси билан бирга ишлатилади [1,195] Лекин отлашган сўзлар учун *ad soylu kelime* атамаси қўлланилади. Отлар турли маъноларни англатади. Шунга кўра уларнинг грамматик хусусиятлари ҳам турличадир. Улар куйидаги турларга бўлиб ўрганилади.

Атоқли отлар – *özel adlar*, турдош отлар – *cins (tür) adları*, аниқ отлар – *somut adlar*, мавҳум отлар – *soyut adlar*, бирлик (якка) отлар – *tekil adlar*, кўплик отлари – *çoğul (çokluk) adlar*, жамловчи отлар – *topluluk adları*. Атоқли отлар *özel adlar* атамаси билан номланади ва бирор нарсага хослаб қўйилган сўз эканлиги айтилади. Лекин тилшунос олим Т. Бангуўғли, бошқалардан фарқли ўлароқ, бу отларга нисбатан *özlük adlar* атамасини қўллайди [2,321]. Лекин тилшуносликда оммалашгани *özel ad* атамасидир. Шунингдек, турдош отларга нисбатан *cins adlar* атамаси кенг қўлланилади. Масалан: *Ay,Dünya'nın uydusudur. İkisi birden Güneş' in yöresinde döner.* – Ой ернинг йўлдоши иккаласи биргаликда куёш атрофида айланади.

Юқоридаги мисолда *ay, güneş, dünya* сўзлари турдош отлардир ўз навбатида ҳам атоқли от бўлганлиги учун катта харф билан ёзилади.

3. Кўркмаз *cins adlar* атамаси билан бир каторда *tür adları* [1,199] атамасини ҳам қўллайди.

Табиатда мавжуд бўлган барча отларга нисбатан конкрет (аниқ) отлар атамасини қўллаймиз. Турк тилшунослигида *somut adlar* деб юритилади. Баъзи ўринларда *yoğun adlar* атамасини учратамиз. *Sevinc* (севинч), *dilek* (тилақ), *özgürlük* (эрк), *düşünce* (фикр) сингари мавҳум отларга *soyut adlar* атамаси ишлатилади. Лекин Т. Бангуўғли бундай мавҳум маъноли отларга нисбатан *yalın adlar* атамасини қўллайди [2,319].

Отларнинг кичрайтириш шакллари ҳақида куйидагиларни айтиш мумкин. Бирор бир нарсани кичрайтириш учун сўздан аввал унинг олдига *küçük, ufak* каби сифатларни келтириш мумкин. Масалан: *küçük tepe* (кичкина тепалик), *ufak çocuk* (кичкина бола) каби. Кўпинча кичрайтириш маъносини ифодаловчи сифатлар ўрнига қўшимчалардан фойдаланилади: *küçük tepe – tepelik, ufak kuş – kuşcağız.*

Мисоллардан кўриниб турибдики, *-cik, -cağız* қўшимчалари отларда кичрайтириш маъноларини ясайди. Грамматикага оид

китобларда отларда кичрайтириш *adlarda küçültme* деб алоҳида шакл сифатида ажратилади. Бундан ташқари, юқоридаги қўшимчалар отларда кичрайтиришгина эмас, балки севги, ачиниш маъноларини ҳам беради. *Bu zavallı kadıncağız üç günden beri hiçbir şey yemiyor.* (Бу бечора аёл уч кундан бери туз тотгани йўқ).

Sadece kızım Ayşecik beni asla yalnız bırakmadı. (Фақатгина қизим Ойшам мени асло ёлғиз ташлаб кетмади).

Баъзи ўринларда отларда кичрайтириш маъносини берувчи *-cik, -ceğiz* қўшимчаси аниқ отларни ҳам ясайди: *bademcik* –ангина, *arpacık* – говмижжа.

Баъзан *-(i)msi* қўшимчаси отларда кичрайтириш маъноларини беради [3,133] *Bu kir saçlı adamın çocuksu hallerinden hoşlandığı için Nilgün (Refik Halit Karay)* (Сочлари тўзғиган одамнинг болаларча ҳаёлларидан севингани учун).

Бу қўшимчани “Девону луғатит-турк” асарида *-kiye (-gine)* шаклларда учратиш мумкин.

Birinğ manğa sözkiye Verin bana (bir) sözceğiz
Menğliğ kara tuz kıya Kara benli tatlı yüzlü
Yalwın tutar közkiye Büyüleyici tutsak eden gözçükler
Munğun mening bilinge Benim (çektigim) bun’u bilsen (III. cilt, 359).

От туркуми учун хос асосий ва доимий грамматик категориялар сон ва келишик категориясидир. Чунки аффикс олмаган ҳолатда ҳам отлар сон ва келишик маъносини ифодалайди. *Kitap* (китоб), *çocuk* (бола) бирликда ва бош келишикдадир.

Турк тилшунослигида ҳам келишиклар алоҳида категория сифатида ўрганилади. Келишиклар от ва отлашган сўзлар таркибида ишлатилади. Улар сўзларнинг грамматик алоқасини кўрсатишга хизмат қилади. *Ad durumu* усмонли турк тилида *isim hali* ҳамда *isim çekimi, ad çekimi, düşün belirtme* каби атамалар билан ҳам юритилади. Келишикларни ифодаловчи қўшимчаларни эса *ad durum ekleri*, усмонли турк тилида эса *isim halleri ekleri* деб аталган. Лекин тилшунос олим З. Кўркмаз келишикларни ифодаловчи қўшимчаларни *ad çekim ekleri* ёки *durum ekleri* деб юритади. Шу ўринда *ad çekimi* атамасига таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки усмонли турк тилида *isim tasrifi* деб юритилган бу атама отларга эгалик қўшимчаларининг қўшилиши тушунилади. Баъзи тилшунос олимлар томонидан яъни Т. Генжан

adların çekimleri (durumları) отларнинг турланиши ёки келишиклар тарзида юритса, Т. Бангуўғли эса бошқа тилшунослардан фарқли ўлароқ отлар гапда бошқа сўз туркумлари билан келганда турли кўринишда бўлади. Бу эса отларга қўшиладиган қўшимчаларда акс этади. Отларнинг бир қўшимча олган ҳолати *adın halleri* деб юритилса, бир қанча қўшимча олиб турланишини *ad çekimi* деб юритади. Одатда фақат от ва олмошлар турланади яъни эгалик (*iyelik*) қўшимчаларини олади. Турк тилида *ad çekimi* атамаси отларнинг турланишига тўғри келса, *fiil çekimi* эса феъл тусланиши каби грамматик категорияни тўлиқ қамраб олади.

Турк тилида олти келишик бўлиб улар турлича номланади. Масалан Т. Генжан бош келишикни *yalın durum*, усмонли турк тилида *mucerreret hal* деб юритилган. Кўпгина китобларда ҳам айнан шундай аталишини учратиш мумкин. Фақат Т. Бангуўғли *kim hali (yalın hali)*, ҳатто *bölük hali* деб ҳам атайди [2,326]. От туркумига хос бўлган сўзлар гапда мурожаат, ундов ва хис-ҳаяжонни билдиргани учун *çağrı hali* деб ҳам юритади.

Zeynep! Seni tebrik ederim! – Зайнаб сени табриклайман. *Sevgili vatandaşlarım!* – Севимли ватандошларим.

Тушум келишиги Усмонли турк тилида *mef'ulünbih*, *mef'ulü sarıh belirtme durumu*, *yükleme durumu*, *yükleme hali*, *-i hali*, *kimi hali*, ҳатто *etkilenme hali* деб юритилади.

Қаратқич келишиги эски турк тилида *muzafunileyın*, *-in hali*, *kimin hali*, *katılma hali*, *ilgi hali*, *bağlama hali*, *tamlayan durumu*, *çıkış durumu*, ҳатто *aitlik hali* (оидлик) деб ҳам юритилади. Бу келишикнинг *-in hali*, *tamlayan durumu* каби номлари кенг истеъмолда.

Жўналиш келишиги усмонли турк тилида *mef'ulünileyın yönelme hali*, *-e hali*, *verme hali*, *yaklaşma hali*, *kime hali*, *girme hali*

Ўрин-пайт келишиги усмонличада *mef'ulünfih* деб юритилган бўлса, ҳозирги кунда унинг куйидагича аталиш номлари бор. Улар: *bulunma hali*, *-de hali*, *kimde hali*, *durma hali*, *kalma hali (durumu)* дир.

Чиқиш келишиги усмонли турк тилида *mef'ulünan* деб аталган. Буларнинг барчаси араб тилидан кириб келган атамалар асосида шаклланган бўлса, кейинчалик *-den hali*, *uzaklaşma hali*, *ayrılma hali*, *çıkış(çıkma) hali*, *kimden hali* каби номланган. Ҳозирги кунда ҳам кенг қўлланиладиган бу атамаларнинг қайси келишик номини

англатиши яккол кўриниб турибди. Чунки уларнинг баъзилари айнан шу келишик кўшимчаси билан аталади. Мисол учун: *-den hali, kimde hali, -i hali* ва б. бунда тилни ўрганувчилар учун янада энгилрок бўлади.

Eve gidiyorum, evde dinleniyorum, evden geliyorum – уйга кетаяпман, уйда дам оляпман, уйдан келяпман каби жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиги кўшимчасини олган бу уч келишикни ўз навбатида Т. Бангуўғли *yer yön halleri* атамасини кўллаш мумкин дейди (Т.Б,329).

Демак, турк тилида келишикларни олтига бўлиб ўрганилар экан, баъзи тилшунос олимларнинг фикрича яъни Т. Бангуўғли келишик категорияларни 2 гуруҳга ажратади.

1. *İç çekim halleri* – ички турланиш (келишиклар);

2. *Diş çekim halleri* – ташқи турланиш(келишиклар)га ажратади.

Биринчи гуруҳга юқорида келтирилган олти келишик назарда тутилади. Кейинги гуруҳга *kimle hali* ҳамда *bilelik hali* восита шаклини билдиради. Масалан: *bıcaqla kesti* – пичоқ орқали (билан) кесиб олди. *Doktorla geldiler* – шифокор билан келишди. Биринчи мисолда восита маъносини англатса, кейинги мисолда эса биргалик маъноларини билдирыпти. Қадимги туркий тилда *-in* кўшимчасига тўғри келади ҳамда биргалик маъносини англатган: *adagin – ayakla, eligin – elle*.

Усмонли турк тилида ҳам кенг қўлланилган: *ayagin, dizin, yolun* [2,180].

Тенгликни ифодаловчи шакл *kimce hali* ёки *görelük hali* деб юритилади. Гапда турли маъноларда келади.

Hesapça (hesaba göre) – ҳисоб-китобга кўра, *Arkadaşça (arkadaş olarak)* – дўст билан, *Orduca (ordu tarafından)* – армия томонидан, *Yıllarca (yıllar boyu)* – узок йиллар давомида.

Аслида *-ca, -ce* кўшимчаси *каби, шундай, худди* маъноларда келади. Лекин гапда турлича талқин қилинади. Эгалик, биргалик маъноларини берувчи шакл эса *kimli hali, donanma, benzeme hali* деб номланади. *Kimsiz hali, giderme, yoksulluk hali* эса бунинг зид маъноси учун қўлланиладиган шаклдир.

Юқоридаги *diş çekim halleri* - ташқи турланиш(келишиклар) деб ўрганиш эмас, балки грамматик шакллар сифатида олиш, келишиклар деб қарамаслик тилни ўрганишда қийинчилик туғдирмайди.

Отлардаги эгалик категориясига ҳамда оидлик, қарашлилик шаклларига турк тилшунослиги нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак кўпгина грамматикага оид китобларда эгаликни олмош сўз туркуми таркибида ўрганилади. Лекин тилшунос олим З. Кўркмаз ўзининг турк тили грамматикасига оид китобида *iyelik (sahiplik) aitlik ekleri* шаклида беради [1.259]. Турк тилида жинс категорияси мавжуд эмас. Лекин шунга қарамай, баъзи тилшунос олимларнинг китобларида бу мавзу ёритилган. Масалан: Т. Генжан *adlarda erillik* (эркак) *dişilik* (аёл, урғочи) деб тилда мавжуд бўлган эркаклар ва аёлларга нисбатан қўлланиладиган отларни келтириб ўтган. Мисол учун: *Han (Türk sultani)* турк султони, хон. *Hanım (Han'ın eşi)* – аёлига нисбатан хоним;

Beg (бугунги кунда *bey* деб юритилади) – бек, жаноб: *Begüm (Beğ'in eşi)* – бегим;

Ağa – оға, ака – *ağaç (ağanın eşi)* – оғача, келин ойи, опойи;

Каған-Катун (урхун-енесей ёдгорликларида) хоқон.

Турк тилида бошқа тилларда бўлгани каби жинсни ифодаловчи кўшимчалар мавжуд эмас. Бундай ҳолларда муайян жинсга муносабатни англатувчи махсус лексемаларга мурожаат қилинади. Масалан *erkek, kadın, kız* лексемалари оддан олдин келиб унинг қайси жинсга мансуб эканини билдиради. *Erkek aşçı* – ошпаз эркак, *kız kardeş* – сингил, *erkek aslan* – эркак арслон каби.

Хулоса қилиб атамалар билан боғлиқ ҳар қандай грамматик категория, шакл бошқа тилда бошқача талқин қилинади ёки ўрганилади. Мақсад тўғри талқин қилишдир.

Асарлар:

- [1] Z. Korkmaz. Türkçe Dilbilgisi.
- [2] T. Banguoğlu. Türkçenin Grameri. Ankara, 1998.
- [3] T. Gencan. Dilbilgisi. Ankara, 1972.
- [4] M. Hengirmen. Türkçe Dilbilgisi. Ankara, 1995.
- [5] Dilbilgisi Terimleri Sözlüğü. İstanbul, 1949.

Д О В Р У Ғ Л И Т У Р К Ш У Н О С Л А Р

НИКОЛАЙ ФЕДОРОВИЧ КАТАНОВ

ЖЎРА ХУДОЙБЕРДИЕВ

Эътибор қаратилаётган масалалар:

Ўн тўққизинчи аср туркшунослари

Н.Ф. Катановнинг туркология тараққиётига қўшган улуши

Ўн тўққизинчи асрнинг иккинчи ярми – йигирманчи асрнинг бошларини, маълум маънода, туркологиянинг олтин даври деб аташ мумкин. Чунки бу даврда кўплаб кўктурк ёзуви ёдгорликлари, уйғур ёзувидаги битиглар топилди, улар ўқилиб, туркий халқларга оид эканлиги илмий жиҳатдан исботланди. “Қутадуғу билиг”, “Ҳибату-л-хақойиқ”, “Девону луғатит турк” сингари тенгсиз асарлар кашф этилди. Мазкур манбалар туркий халқлар тарихи, маданияти, тили, адабиёти, фольклори, урф-одатларининг қатор муаммоли масалаларини ойдинлаштирди.

Ана шу даврда туркология масалалари билан шуғулланган Василий Владимирович Бартольд (1869–1930), Оттон Николаевич Бетлинк (1815–1904), Карл Броккельман (1868–1956), Ҳерман Вамбери (1832–1913), Золтон Гумбоц (1877–1935), Отто Доннер (1835–1909), Мирза Александр Казембек (1802–1870), Платон Михайлович Мелиоранский (1868–1906), Вильгелм Радлов (1837–1918), Вильгелм Людвиг Петер Томсен (1842–1927) каби илм-фан арбоблари ҳам етишиб чиқди. Булар орасида хакаслардан етишиб чиққан машҳур туркшунос Николай Федорович Катановнинг (1862–1922) номи ҳам фахр билан тилга олинади.

Н.Ф. Катанов туркология тараққиётига катта ҳисса қўшган кўп қиррали олимлардандир. Унинг сермазмун хаёти ва бой илмий фаолиятини ўрганиш бўйича маълум ишлар амалга

оширилган [1]. Булар ичида С.Н. Ивановнинг Москвада чоп этилган “Николай Федорович Катанов” асари салмоқли ўрин эгаллайди, албатта.

Олимнинг асл исми Хизил ўғли Пора бўлиб, у христианликни қабул қилгандан кейин ўз исми-шарифини ўзгартирган. Бўлажак олим 1869-1876 йилларда рус мактабида, 1876–1884 йилларда Красноярскдаги гимназияда ўқиди. Гимназияда лотин, грек, француз, немис тилларини пухта ўрганди. Ўқишни давом эттириш орзуси уни Санкт-Петербург университетига олиб келди. 1884 йилда Н.Ф. Катанов Шарқ тиллари факультетининг араб-форс-усмонли турк-татар бўлимига ўқишга кириб, В.В. Радлов, Н.И. Веселовский, Ш.Н. Березин сингари машхур туркшунос олимлардан туркий тиллар тарихи ва фонетикасидан маърузалар эшитди, улардан туркологиянинг сирларини, кўлёмалар устида ишлаш, изоҳлаш йўлларини, шунингдек, араб, форс, усмонли турк, татар тилларини ҳам ўрганди.

Н.Ф. Катанов 1888 йили Санкт-Петербург университетини битириб, 1892 йилга қадар Россия Фанлар академиясининг топшириғи билан Сибирь, Мўғулистон, Шарқий Туркистонда илмий сафарда бўлиб, маҳаллий аҳолининг тили, тарихи, этнографияси, маданияти ва фольклорига оид материаллар йиғди. Тўплаган материаллари асосида илмий тадқиқотлар олиб борди. 1994 йилда Қозон шаҳрига келиб, умрининг охиригача шу ерда яшади.

Олим илмий доираларга анча эрта танилди. У Петербург университетига ўқишга кирган йиллардаёқ туркшуносликка оид ишлари билан танилган, шу боис Қозон университети Археология, тарих ва этнография жамиятининг ходим-аъзоси этиб, сал кейинроқ 1884 йил 8 апрелда шу жамиятнинг ҳақиқий аъзолигига сайланган эди. Жамиятнинг бу даврда Н.П. Загоскин, Е.Ф. Будде, В.Р. Розен, И.Н. Смирнов, Қ. Носирий, В.В. Радлов сингари ҳақиқий аъзолари бўлганлиги ҳисобга олинса, Н.Ф. Катанов илмий салоҳияти ўша даврдаёқ

жуда баланд бўлганлигини англаш мумкин. Н.Ф. Катанов Қозонга келиб, шу жамиятнинг котиби, жамият нашри бўлган “Хабарлар”нинг бош муҳаррири, 1898–1912 йилларда жамият раиси лавозимларида ишлади.

Н.Ф. Катанов 1896–1899 йилларда икки марта Енисей губерниясидаги Минусинск, икки марта Уфа губерниясига маҳаллий аҳоли тили, тарихи, этнографияси, фольклорини ўрганиш, материаллар йиғиш учун илмий сафарда бўлди. Бу сафарлар олимни жаҳон туркшунослари орасида машҳур қилган “Опыт исследования урянхайского языка” номли асарини яратишга асос бўлди. Аслини олганда ушбу иш олимнинг 1903 йил 7 декабрда ҳимоя қилган магистрлик диссертацияси сифатида ёзилган, кейинроқ қайта ишланиб, алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган эди.

1600 саҳифали ушбу асарда урянхай (тува) тили туркшуносликда биринчи бўлиб атрофлича тадқиқ қилинди. Асар яратилгунга қадар олимлар орасида урянхай (тува) тили угор-фин тиллари оиласига киради, деган фикр мавжуд эди. Николай Федорович урянхай тилини элликка яқин ўлик ва жонли туркий тиллар материаллари билан қиёслаб, урянхай тили угор-фин тиллари оиласига эмас, балки туркий тиллар оиласига мансублигини инкор қилиб бўлмайдиган далиллар билан илмий жиҳатдан исботлаб берди. Урянхай тилининг мукамал грамматик тавсифини берди, унинг туркий тиллар орасидаги ўрнини фанда биринчи бўлиб Н.Ф. Катанов аниқлади ва шу иши билан туркологиянинг олтин фондига катта ҳисса қўшди.

Шундан кейин Н.Ф. Катановнинг илм аҳли орасидаги мавқеи янада юксалди. Европодаги қатор илмий жамиятлар Н.Ф. Катановни ўз аъзолигига сайлади. Белгия, Венгрия, Финландия илмий муассасалари аъзоликка қабул қилди. Чет элда чоп этиладиган эътиборли журналлар олимни таҳририят аъзолигига қабул қилди ва унинг асарларини кетма-кет чоп эта бошлади. 1907 йил 26 ноябрда Қозон университети

Тарих-филология факультети кенгаши Н.Ф. Катанов илмий хизматларини ҳисобга олиб, унга қиёсий тилшунослик бўйича докторлик илмий даражасини беришга тавсия қилди. Университет илмий кенгаши бу қарорни қўллаб-қувватлади.

Н.Ф. Катанов туркологлар орасида қомусий билимга эга бўлган кўп қиррали олимлардан ҳисобланади. У туркологиянинг деярли барча соҳалари бўйича мумтоз асарлар яратди. Бу жиҳатдан олимнинг туркий халқлар этнографияси ва фольклори бўйича яратилган ва мутахассислар томонидан юксак асарлар тарзида баҳоланган “Исторические песни казанских татар” (1899), “Мусульманские легенды” (1894), “О свадебных обычаях татар” (1897), “Гадание у жителей Восточного Туркестана” (1894) сингари асарларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Олим ўз илмий фаолияти давомида рус, фин-угор, хитой, хинд, форс, араб халқларининг тарихи ва маданияти билан ҳам шуғулланди. Н.Ф. Катанов Европа ва Шарқнинг ўтмишдаги бир неча ўлик тилларини билган. Миср ва Хитой иероглифларини, кўк турк, шумер, санскрит, араб, қадимги уйғур, оромий ёзувидаги матнларни бемалол ўқий олган. Мутахассисларнинг аниқлашича, Н.Ф. Катанов ўз тадқиқотларида дунёдаги 114 та тил материалларидан фойдаланган.

Николай Федорович ўзидан жуда катта ҳажмли бой илмий мерос қолдирди. У 1921 йилда тузган автобиографик анкетасида 382 босма табоқли ишлари бўлганлигини қайд этган. Бунга олимнинг шарқшуносликка бағишланган ишларига ёзган тақриз ва рефератлари киритилмаган. Мутахассислар унинг эълон қилинмаган ишларини 15000 бет (қўлёзмада) деб ҳисоблашган. Афсуски, ана шу илмий мерос тўлалигича ўрганилмаган.

Олимнинг дўстлари, хизматдошлари ва устозлари орасида В.В. Радлов, В.П. Васильев, П.М. Мелиоранский, К.Г. Залеман, И.А. Бодуэн де Куртенэ, В.А. Богорадицкий, Н.И.

Фирсов, И.Ф. Готвальд, Н.М. Ядринцев, Г.Н. Потанин, П.Н. Пантусов, В.П. Наливкин, туркий халқлардан етишиб чикқан Ш. Маржоний, Қ. Носирий, А.А. Диваев сингари етук олимлар бор эди. Бу далиларнинг барчаси унинг юкори савиядаги олим бўлганлигидан далолат беради, албатта.

Бироқ ана шундай катта иқтидорга эга бўлган Н.Ф. Катанов жуда мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтди. Унинг илмий ишларига халақит берувчи айрим гуруҳлар, ишдан четлатилишига тарафдор бўлган кишилар бор эди. Масалан, Қозон диний академиясининг раҳбарлари – П.К. Жузе, А. Михайлов, Я.Д. Коблов, Е.А. Малов (машҳур турколог С.Е. Маловнинг отаси) лар олимни Қозон диний академияси профессори лавозимига ўтказмаслик учун қаттиқ ҳаракат қилишди. Ефим Малов эса синоднинг бош прокурорига ёзма мурожаат этиб, Н.Ф. Катановни академия профессорлигига олиб бўлмаслигини алоҳида таъкидлаган. Шундан сўнг синод кўрсатмаси билан Диний академия кенгашининг Н.Ф. Катановни профессор этиб сайлаш тўғрисидаги қарори бекор қилинган. Шунга қарамай, Академия Кенгаши эса Н.Ф. Катановнинг илмий салоҳиятини инобатга олиб, профессорликка қабул қилган [2].

Синод кўрсатмасининг таъсирида Н.Ф. Катанов Қозон диний академиясининг кафедра мудири бўла олмади [3].

Машҳур олим Заки Валидий ўз “Хотиралар”ида Н.Ф. Катановни жуда катта миннатдорчилик билан эсга олиб, унинг мураккаб ҳаёт йўли ҳақида ёзган эди [4].

Турли тазйиқлар олимнинг соғлиғига, руҳий ҳолатига қаттиқ таъсир қилди. Барча ишлардан кўнгли совиди, кўп нарсаларга ишончи йўқолди, XX асрнинг ўнинчи йилларидаги моддий қийинчиликлар олимнинг илмий иш қилишига, тарихий эсдаликлар, китоблар йиғишига, ҳатто умр бўйи йикқан кутубхонасига бўлган кизиқишини ҳам сўндирди. Шундан кейин олим кутубхонасини сотишга қарор қилди.

Н.Ф. Катанов кутубхонаси жуда бой бўлиб, унда ўн тўққизинчи асрда ва йигирманчи асрнинг бошларида Европа мамлакатларида чоп этилган шарқшуносликка оид кўплаб журналлар, илмий тўпламлар ва китоблар, Қозон, Уфа, Оренбург, Санкт-Петербург, Москва ва бошқа шаҳарларда босилган асарлар, ягона нусхадаги ноёб қўлёзмалар, тошбосмалар бор эди. Олим ана шу кутубхонасини Фанлар академиясига топширмакчи бўлди, лекин улар сотиб олишдан бош тортдилар. Сўнг Иркутск университетининг Шарқ факультети кутубхонасига тоширишга ҳаракат қилди, аммо Маориф вазирлигидан рухсат бўлмади. Бу борада у Туркистон генерал-губернатори Кауфманга ҳам мурожаат қилди. Лекин фойдаси бўлмади. Шундан сўнг у кутубхонасини Туркияга – Истанбул маҳаллий университетнинг кутубхонасига топширди [5]. Катанов китоблари ҳозирги кунда Истанбул университети Туркология институти кутубхонасида алоҳида фонд сифатида сақланмоқда.

Ф.Н. Катанов учун кутубхонасидан ажралиш жуда оғир бўлди. Бошидан кечирган қийинчиликлар натижасида у оғир хасталикка учради, фалаж касалига йўлиқиб, 1922 йилнинг 10 мартада вафот этди.

Асарлар:

[1] *С.И. Вайнштейн*. Этнографические исследования Н.Ф. Катанова у тувинцев и других тюркоязычных народов. *Г.И. Исхаков*. Тюркологическая деятельность профессора Казанского университета Н.Ф. Катанова (1862–1922) // Проблемы тюркологии и истории востоковедения. Казань, 1964. С. 70–81; Очерки истории русской этнографии и антропологии, вып. 4, М., 1968. С. 31–44; *В.А. Гордлевский*. Памяти Н.Ф. Катанова. Избр. Соч., т. 4. С. 398–401; *С.Н. Иванов*. Николай Федорович Катанов. М., 1973; Николай Федорович Катанов. Материалы и сообщения, Абакан, 1958; *А.Н. Кононов*. История изучения тюркских языков в России. Л., 1982. С.

266–268, 286–290; Ученые записки Хакасского научно-исследовательского института языка, литературы и истории. X, серия филологическая, Абакан, 1964.

[2] *Эброр Кәримуллин*. Катанов китапханәсе эзәннән. Язмыш, язмыш... Казан, 1996. 136–147- с.

[3] *С.Н. Иванов*. Николай Федорович Катанов. М., 1973. С. 74.

[4] *Аҳмад Закий Валидий Тўгон*. Бўлингани бўри ер. Тошкент 1997. 29–30- б.; *Z.V.Togan. Hâtıralar*. Istanbul, 1969. S. 65–66.

[5] Николай Федорович Катанов: Очерки жизни и творчества. Абакан, 1995. С. 169–170.

МАНГУ БИТИГЛАР

МАНСУР БАХШИ ТУЗГАН УЙҒУР ЁЗУВЛИ МАЖМУАДАГИ УЧТА АСАР

Матнларни уйғур ёзувидан транскрипцияга ўгирувчи:
ҚОСИМЖОН СОДИҚОВ

